Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 217 (7. 006) 1989 йил 22 сентябрь, жума

Баҳоси 3 тийин

ЛЕНИН ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА— МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ СИФАТИ САРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. А. Каримовнинг Пленумдаги нутқидан

20 сентябрь куни КПСС Марказий Комитети Пленумининг эрталабки мажлисида М. С. Горбачев докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Партиянинг миллий масалага доир платформаси лойиҳасини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилиш, деди ўз нутқида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. А. Каримов;** КПСС Марказий Комитети танлаган миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва янги шароитда Совет федерациясини тузиш йўлини халқ қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди.

Михаил Сергеевич Горбачевнинг Пленумдаги қилган сермазмун ва амалий доклади мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг шаклланишида, миллий сиёсатда ленинча нормалар ва принципларнинг ижодий ривожлантирилишини қарор топтиришда, уларни сунъий асоратлар ва бузилишлардан тозалашда босиб ўтилган йўлни танқидий таҳлил этиш ғоят зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Чамаси шонли саналар, айниқса юбилейлар тўғрисида бугун Пленумда гапирадиган лайт эмас, аммо мен бу ҳақда гапирмай ўтолмайман. Гап бугун муҳокама қилинаётган муаммога бевосита алоқадор масала ҳақида бормоқда. Мен Тошкент давлат дорилфунунининг бўлажак 70 йиллигини кўзда тутаяпман. Оч ва яланғоч, гражданлар уруши азобида қолган Россия ўша суронни йигирманчи йилда Туркистон халқларига саҳий ёрдам қўлини чўзганлигини эслайлик, ўртоқлар. Айни ўша олис йилда Владимир Ильич Ленин Ўрта Осиё дорилфунунини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди. Ўша пайтда Москва, Петроград, Россиянинг бошқа шаҳарлари йирик олимлари, ўқитувчилари тушган машҳур фан поезди Тошкентга йўл олди. Бундай воқеа унутилмайди, ўртоқлар.

Бу қардошлик ёрдамини миннатдор ўзбек халқи ва Ўрта Осиё халқлари ҳеч қачон унутмайдилар. Шунинг учун ҳам биз ҳаётнинг ўзи ҳамда муносабатларимизни қайта қуриш ўртага қўйган масалаларни фақат совет халқларининг жипслашган ягона оиласида муваффақиятли ҳал этиш мумкинлигини яна бир бор таъкидлаш учун ана шу муҳим тадбиргa фаол тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ.

Шу ҳақда гапирганда баъзи оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистондаги, хусусан Фарғона областидаги сўнгги воқеалар тўғрисидаги мақолаларини тушуниш қийин, ҳатто тушуниш мумкин эмас. Айрим қизиққон кишилар бизнинг конкрет шарт-шароитларимизни, кўп асрлик тарихимизни, маданиятимизни, анъаналаримизни ва урф-одатларимиз, шунингдек ана шу воқеаларга сабаб бўлган энг асосий мураккаб муаммоларни билмай туриб, бутун бир халқни ўйламай-нетмай ёмон отлиққа чиқариб, унга қора бўёқ суртиб, ўзларини олий ҳакам деб ҳисобламоқдалар.

Нотиқ республикадаги шусиз ҳам хатарли ижтимоий кескинликни чуқурлаштирган катта ҳажмдаги ғаразли мақолалар орасида «Огонёк» журналида эълон қилинган «Соя» мақоласини тилга олди. Унинг фикрича, бундай мақолалар Ўзбекистонда жуда кўп тўпланиб қолган етилган ўткир муаммоларни ҳал этишни осонлаштирмайди, аксинча қийинлаштиради.

Биз Фарғонада юз берган фожиали воқеаларнинг сабаблари тўғрисида юзаки фикр юритмоқчи эмасмиз, деб таъкидлади И. А. Каримов, шугина эмас, бундай соддалаштиришга уринишларни қоралаймиз ва уларни сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблаймиз. Фарғона областидаги воқеалар —энг аввало, порага сотилган, қайта қуришга қарши ва миллатчилик кайфиятидаги шахсларнинг республикадаги ғоят қийин ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-руҳий қолатдан миллатлараро адоватни авж олдириш учун фойдаланишга уринишлари натижасида келиб чиққан ўткир ижтимоий-сиёсий вазият хавфини тушуниб етмаганлигимиз оқибатидир.

Сўнгра, нотиқ республикада Фарғона воқеаларидан сабоқ чиқариб олинаётгани ҳақида гапирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, деди у, Фарғонадаги фожиали воқеаларга қатъий баҳо берди. Айбдорлар партиявий ва жиноий жавобгарликка тортилдилар ва тортилмоқдалар. Республикада айбдорлар, улар ким бўлмасин, қандай миллатга мансуб бўлмасин, қаттиқ жазо олиши керак, чинакам байналмилалчилик, ҳайрихоҳлик, қалби поклик ва меҳмондўстлик фазилатларига эга бўлган ўзбек халқининг шаънига бундан буён ҳеч ким ва ҳеч қачон доғ туширмаслиги учун айбдорлар қаттиқ жазо оладилар, деган қатъий эътиқод вужудга келди.

Ўзбек халқи ҳамиша барча совет халқларининг ҳақиқий дўсти ва биродари бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Сўнгра нотиқ региондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни мураккаблаштираётган муаммоларга тўхталди. Бу аввало, аҳолини иш билан таъминлаш масаласидир. Республикада ҳозир ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлмаган бир миллионга яқин тайёр меҳнат ресурслари бор. Аҳолининг умумиттифоқ суръатларига нисбатан тахминан уч баравар тез ўсиши бу аҳволни чигаллаштирмоқда. Бунинг устига ана шу ўсиш ҳаётни таъминлашнинг манбаларини: уй-жой, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият объектларини, савдо, маиший, коммунал хизмат ва бошқа хизматларни тегишли даражада юксалтириш билан мустаҳкамланмаяпти.

Одамларнинг, айниқса, қишлоқ жойлардаги одамларнинг иш билан таъминланмаганлиги ижтимоий меҳнат унумдорлиги паст бўлишига, бинобарин аҳоли даромадларининг кам бўлишига, миллий даромаднинг аҳоли жон бошига ҳисобланадиган кўрсаткичлари кескин кам бўлишига ва бу аҳволдан келиб чиқадиган оқибатларга олиб боради.

Ҳозир Ўзбекистонда аҳолининг 45 процентдан кўпроғи жонбошига 75 сўмдан камроқ ёки турмуш учун зарур бўлган энг кам даражадан ҳам пастроқ даромад олмоқда.

Халқ хўжалигининг бир томонлама кенгайиб ривожланганлиги, унда биринчи навбатда кўп меҳнат талаб қилмайдиган ишлаб чиқариш ва хом ашёни дастлабки қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилаётганлиги аҳволни тағин ҳам мушкуллаштирмоқда, деб давом этди нотиқ. Сув ресурсларининг камайиб бораётганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик структурасини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Ҳозир ўша Фарғона водийсида ҳар бир киши ҳисобига кўпи билан 0,2 гектар ер тўғри келади. Бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни ривожлантиришда йўл қўйилган хатолар, ўзбошимчаликлар жуда кескин экология вазиятини вужудга келтирди. Орол теварагида юз бераётган фалокатли аҳвол бунга далил бўла олади.

Муаммоларнинг ана шу рўйхатига яна пахта иши деб аталган ишларда, шунингдек тарихий ва маданий қадриятларга, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарига баҳо беришда йўл қўйилган жиддий нуқсонларни, ошириб юборишларни, маъмурий-буйруқбозлик, ўзбошимчалик, беодоблик билан ёндашувларни қўшадиган бўлсак, ҳозир республикада ижтимоий ва миллатлараро кескинлик кучайиб бораётган замин тушунарли бўлади.

Бу мураккаб муаммоларни ҳал этиш биринчи навбатда бизнинг ўзимизга боғлиқ эканлигини тушуниб турибмиз. Уларнинг ҳал этилиши мавжуд имкониятлар ва ресурслардан фойдаланиш ишини биз қандай ташкил этишимизга боғлиқ. Бироқ бизнинг назаримизда бу соҳада бутун Ўрта Осиё регионимизни қамраб оладиган комплекс программани ишлаб чиқмай туриб, муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Бундай программани ишлаб чиқишга иттифоқ идоралари бошчилик қилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва мамлакат ҳукуматининг ёрдамида, деди И. А. Каримов, республика энг аввало мавжуд имкониятлардан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш ҳисобига иқтисодий ва ижтимоий кескинликни юмшатиш йўлларини қатъият билан изламоқда. Тезда самара берадиган дастлабки чора сифатида яқинда шахсий ёрдамчи хўжаликларни, якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу билан бирданига бир неча вазифани ҳал қилишга уринаяпмиз. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаймиз, уй-жой қурилишини жадаллаштиришда муҳим резервни ишга соламиз, аҳолининг иш билан таъминланишини ошириб, унинг ижтимоий ҳимояланганлигини яхшилаймиз.

Ҳозир биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, аввало мева ва сабзавотни сақлаш ва қайта ишлаш базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш устида зўр бериб иш олиб бормоқдамиз. Бутун мамлакат ва шу жумладан республика жуда муҳтож бўлиб турган витаминли маҳсулотларнинг 30 процентгача қисми хўжасизлик оқибатида нобуд бўлиб кетишига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Республикамиз меҳнаткашлари пахта толаси етиштиришни 1 миллион 500 минг тонна миқдорида барқарор қилиб қўйиш, пахтачиликда устама ҳақни жорий этиш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорни зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Бир вақтлар Ўзбекистонга кўчирилган қрим татарлари, месхети турклари ва курдлар талабларини сира кечиктирмай, адолатли ҳал этиш ижтимоий-сиёсий вазиятни яхшилаш билан бевосита боғлиқ, деди нотиқ. Биз докладда айтилган ана шу тарихий адолатсизликни тезроқ ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги фикрни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан алоқаларимиз сўнгги вақтда анча мустаҳкамланди. Ҳозир қардош халқларимиз орасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо йўқ деб аниқ айтиш мумкин.

Михаил Сергеевич, кеча Сиз бир-биримизга эътироз билдирмаслигимиз, балки ҳамкорлик қилишимиз лозим, деб жуда тўғри айтдингиз. Биз шу заминда туғилган эканмиз, бир-биримизга қўшни эканмиз, бинобарин, бир-биримиз билан чиқишиб яшашимиз, қандай бўлсак, бир-биримизни шундай тушунишимиз ва умумий тил топиб, ўз келажагимизни барпо этишимиз керак.

Давлатимизнинг федератив тузилмасига ўхшаш тузилмани қидиришдан ҳеч қандай маъно йўқ. Тўғри, биз иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, ваколатларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш тарафдоримиз, платформа лойиҳасида айтилганидек, республикаларнинг суверенитетини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни тўла хўжалик ҳисоби негизида қуриш тарафдоримиз. Биз «Совет федерацияси» тушунчасини янги мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Қўшилиб кетишга ҳам, демократик централизмни бюрократик система буйруғини сўзсиз бажаришга айлантириб юборишга ҳам йўл қўймайдиган Ленин тушунган маънодаги чинакам федерацияга қайтиш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, деб таъкидлади нотиқ, айрим республикаларнинг ўзаро муносабатларимизни конфедерация принциплари асосига қуриш тўғрисидаги таклифи бизга мақбул эмас. Биз шунга аминмизки, ўзаро муносабатларимизни конфедерация принциплари асосига қуриш сўзсиз равишда маҳаллийчиликнинг кучайишига, марказдан қочиш кучлари ва кайфиятларининг ривожланишига ва оқибат натижада давлатимизнинг вайрон бўлишига олиб боради.

Платформа лойиҳасида мавжуд тузилма доирасида республикалар Компартиялари мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларга ташкилий-тузилма, кадрлар, молия масалаларини ўз ҳоҳишларича ҳал этиш, КПСС программаси доирасида ўз сиёсий ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги масаланинг қўйилганлиги ўз вақтида қилинган ва ғоят долзарб иш бўлди. Шу билан бирга иттифоқдош республикалар Компартияларига мустақил программа ва устав қабул қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида айтилган фикрларга қўшилиб бўлмайди. КПСС ҳамиша ўз сафларининг бирлиги билан, ўз мақсадлари ва вазифаларининг бирлиги билан кучли бўлиб келган. Шунингдек биз кеча докладда баён қилинган зарур бўлган жойларда ўта радикаллар ва экстремистларга, шовинистлар ва миллатчиларга, халқнинг партияга ишончига путур етказиб, бизни қайта қуриш йўлидан чалғитишга уринаётган кимсаларга нисбатан қонун кучини қўлланиш зарурлиги тўғрисидаги қатъий йўл-йўриқларни тўғри деб ҳисоблаймиз.

КПСС Марказий Комитетида учрашув

21 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачев партия Марказий сайлов органлари таркибига кирган ишчи, колхозчиларнинг катта группаси билан учрашди. Ҳозирги кунда меҳнат кишисини ташвишлантираётган кўплаб муаммолар, партия ташкилотлари фаолиятига доир масалалар юзасидан рўй-рост, батафсил суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда Н. Н. Слюньков ва Г. П. Разумовский, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари иштирок этишди.

Учрашув ҳақидаги ҳисобот эълон қилинади.

(ТАСС)

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси 1989 йил 20 октябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 21 сентябрь.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси кўриб чиқиши учун қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилганлигини маълум қилади:

1. Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳамда республика халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақидаги қонунларининг лойиҳалари тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг Тиллар ҳақидаги қонуни лойиҳаси тўғрисида.
3. Ўзбекистон ССРнинг гражданлар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Бинолар мустаҳкамлиги энг аввало қурувчиларнинг ўз ишларига бўлган масъулиятига боғлиқ. Моҳир пайвандловчи Абдужаббор Ботиров бу соҳада бор-йўғи уч йилдан буён ишлаётган бўлса-да, пайвандлаш сирларини пухта эгаллаб олган. Уни 4-трестнинг 19-қурилиш бошқармасида яхши танишади. Ҳозир у Юнусободдаги қаришлар уйини бунёд этишда қатнашяпти.

Т. Каримов сурати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Меҳнат коллективларидаги ўткир социал низоларнинг олдини олиш ва уларнинг зудлик билан ҳал этилишини ташкил қилишга доир вазиятни ўрганиш бўйича шаҳар партия комитети комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош директори Б. Қ. Эргашев ва «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ш. А. Алимовнинг ҳисоботлари тингланди.

* * *

Шаҳар партия комитетининг ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг навбатдаги мажлиси КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорининг Чилонзор ва Ҳамза районлари партия комитетлари томонидан қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалага бағишланди. Ана шу масалалар юзасидан Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Алиев ва Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари М. Л. Чумичевларнинг ҳисоботлари тингланди.

Комиссия мажлисида шунингдек бошқа ташкилий масалалар ҳам қараб чиқилди.

Ўзбекистонда Швейцария маданияти ҳафталиги

ДЎСТОНА МУЛОҚОТЛАР

Тошкентда Швейцария маданияти ҳафталиги доирасида «Ленин Швейцарияда» деб аталган кўргазма очилди. Унда Владимир Ильич Ленининг чет элларда яшаган йиллари ҳақида қиқоя қилинади. Кўргазма қатнашчилари — «Швейцария — СССР» уюшмасининг аъзолари мазкур экспозицияни В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалига совға қилишга қарор бердилар.

— Биз кўргазма билан иложи борича кўпроқ одамлар танишишини хоҳлаймиз, — дейди Швейцария делегациясининг аъзоси Анатоль Тедли.

Айни шу киши, цюрихлик иқтисодчи ана шу кўргазманинг пайдо бўлишига ёрдамлашган эди. Унинг хонаки архивида қўлгина фотосуратлар сақланар, бу фотосуратлар Ленининг Швейцарияда бўлган ерлари билан боғлиқ эди. Хонадондагилар Тедлининг отаси, Ленин билан учрашган социал-демократнинг хотираларини диққат билан тинглашар ва бу хотираларни қалбларига жо қилиб олишганди. Мазкур мамлакатда Ильичнинг бўлиши ҳақидаги ҳужжатларни тўплаётган совет тарихчилари 1968 йилда Швейцарияга келишганида Анатоль Тедли уларга жон-жон деб ёрдам берди. Архив ҳужжатларини биргаликда ўрганишди, тоғларга чиқишди, Ленин тўхтаб ўтган ва яшаган уйларни қидириб топишди, кексалардан, инқилоб доҳийсини шахсан билган Меҳнат партияси аъзоларидан суриштиришди.

— Швейцария ҳукумати бундан унчалик манфаатдор эмасди, — деб сўзида давом этди Анатоль Тедли. — Ана шу совуқконлик деворини ағдариш зарур эди, чунки ҳар қандай янги ҳужжат, ҳар қандай янги далил инқилоб даҳоси ҳаётининг шу даври ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тўлдириши мумкин.

Ҳужжатлар йиллар давомида йиғилди. Унинг нусхаларидан ана шу кўргазма ташқил топди, эндиликда бу кўргазма Ўзбекистонда қолади. Кўргазмага келган кишилар Ильич ва унинг сафдошлари фотосуратларини, хатлар, почта открткалари, мақолаларни кўздан кечиришлари мумкин. Масалан, «Меҳнатни озод қилиш» марксистик группаси чиқарган «Работник» («Ходим») деб аталган тўпламнинг сони қизиқиш уйғотади. Унда Ленининг Фридрих Энгельс ҳақидаги энг яхши асарларидан бири эълон қилинган.

Ҳафталик доирасида яна бир кўргазма, тўғрироғи «Швейцария манзаралари» деб аталган бутун бир кўргазмалар туркуми очилди. Республика Кино уйи бу кўргазма учун ўз залларини бўшатиб берди. Унда Швейцария маданияти билан имконият қадар кўпроқ ва атрофлича танишиш мумкин. Стенддан стендга ўтар экансиз, хоҳ ранг-тасвир, графика асарлари бўлсин, хоҳ ҳайкалтарошлик ёки манзарали амалий санъат асарлари бўлсин, берилиб томоша қиласиз, гўё шу мамлакат маданиятининг у ёки бу соҳасига ошно бўласиз. Швейцария қишлоғи турмуши билан таништирадиган бўлим қизиқарлидир. Мамлакат қишлоқларида бугдой поясидан ҳар хил нарсаларни тўқиш жуда ривожланган — оилавий ижоднинг бу тури у ерда жуда оммавий тус олган. Швейцариядаги барча 23 та кантон халқларининг миллий либослари кийинтирилган қўғирчоқлар завқ уйғотади. XIX—XX асрларда яшаган Швейцария мусаввирларининг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

— Халқлар бир-бирлари билан мулоқот қилишни ва бир-бирларини тушунишни хоҳлайдилар, лекин ҳозирча худди шу нарса етишмай турибди, — дейди делегация раҳбари, «Швейцария — СССР» уюшмасининг президенти Арманд Форел. — Биз халқ дипломатияси сарҳадларини кенгайтиришимиз, тинчликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилишимиз лозим. Тинчлик бўлмаса Ер юзида ҳеч қандай маданият бўлмайди.

Э. ТУХВАТУЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Газетанинг шу сонига

МУАММОЛАР ЕЧИМИ—ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида қилган докладини барча совет кишилари қатори шаҳримиз меҳнаткашлари ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар ва унда илгари сурилган долзарб вазифаларни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Шу муносабат билан мухбиримиз жойларда бўлиб, меҳнат коллективларининг вакиллари билан Пленум материалларидан олган дастлабки таассуротлари, фикр-мулоҳазалари ҳусусида суҳбатлашди.

Мўмина ҚОСИМОВА,
Ленин районидаги 49-ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

— Миллий масала ва миллатлараро муносабатларга бағишланган бу Пленум мени ниҳоятда ҳаяжонга солди. Унда кўтарилган масалалар ҳақиқатан ҳам долзарблиги, кечиктириб бўлмаслиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Аввал Бутуниттифоқ телевидениесида Пленумнинг бориши тўғрисида тайёрланган махсус кўрсатувни диққат билан томоша қилдим. М. С. Горбачевнинг докладини берилиб тингладим. Кейин эса маҳаллий матбуот саҳифаларида ёритилган Пленум материаллари билан яқиндан танишиб чиқдим. КПСС ленинча миллий сиёсатга, жумладан бу сиёсатнинг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши каби асосий принципига тўла амал қилиб келмоқда, уни янада чуқурлаштириб, бойитиб бораяпти. Узоқ истиқболни кўзлаб, халқлар манфаати, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги ва бирлиги йўлида амалга оширилаётган бу ишлардан қувонмай бўлмайди. Партиямизнинг сиёсатини тўла қўллаб қувватлайман. Етилган муаммоларнинг ечими ўз қўлимизда. Уни ҳал этиш учун ҳамжиҳатликда, алоҳида куч-ғайрат сарфлаб иш кўришимиз керак.

Засим СОКОЛОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, I даражали Ватан уруши ва III даражали Шуҳрат орденлари кавалери, пенсионер.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида»ги докладини чуқур қониқиш билан ўқиб, ўрганиб чиқаяпмиз. Очиғини айтганда докладда миллат ва элатларнинг дўст-тотувлигини таъминлаш, ҳеч қандай адоват ва норозиликларга ўрин қолдирмаслик юзасидан билдирилган фикрлар менга жуда манзур бўлди. Миллий масала ва миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва социал тенглигини таъминлаш биринчи марта кўриб чиқилаётгани йўқ. Аммо пленум материаллари келажакни ўйлаб халқлар манфаати йўлида КПСС олиб бораётган изчил сиёсатни тўла мужассамлаштирганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Мен урушнинг оғир йилларини бошимдан кечирганман. Барча миллат ва элатларнинг фарзандлари билан акаука, дўст-биродар, қўйингки, худди бир оила болаларидек аҳил бўлиб душманга қарши жанг қилганмиз. Гарчанд турли тилларда сўзлашсакда бир-биримизнинг қайси миллат вакилига мансублигимизни суриштирмасдик ҳам. Мана шундай аҳиллик, тотувлик бир халқнинг бошқа бир миллат вакилига бўлган меҳру муҳаббати, чексиз ҳурмати туфайли урушда мислсиз ғалаба қозондик. Асли Смоленск областида туғилган бўлсам ҳам Тошкентни ўз она шаҳрим деб биламан. Унинг меҳригиё одамларини астойдил қадрлайман. Салкам ўттиз йилдирки бу шаҳар аҳолиси билан сен менга бормай яшаб келаяпмиз. Боримизни баҳам кўриб, ютуқларимиздан қувоняпмиз. Бундай халқни севмай, қадрламай бўладими? Халқлар дўстлиги шунчаки шиор эмас, у қудратли воситадир. Буни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Аслида революциямизнинг байналминал мероси ҳам шу асосга қурилган. Бугун ёғилиб келаётган қийинчиликлар ва муаммолар Совет ҳокимияти йилларида таркиб топган ва кўпмиллатли мамлакатимизнинг пойдевори бўлган ноёб қадриятларини тўсиб қўя олмайди. Миллий муносабатлар соҳасидаги реал ютуқларни бузиб кўрсатиш ва камайтиришга ҳар қандай уринишлар совет кишилари бир неча авлодлари хотирасини таҳқирлашдан бошқа нарса эмас. Докладда айтилганидек, «Миллатчилик васвасасига тушган айрим кимсалар интернационализмни, халқлар дўстлигини беъмани ташвиқотчилик шиорлари, воқеликни акс эттирмайдиган афсоналар, деб эълон қилишгача етиб бормоқдалар. Лекин бу хусусдаги баҳслашувларга ўрин йўқ. Жамиятимиз турмушида қардошларча ёрдам, ҳамкорлик, бир-бирларининг ишлари ва ташвишларига даҳлдорлик ҳамиша намоён бўлиб турибди».

БИЛДИРИШ

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг навбатдаги ташқари ўн биринчи сессияси 1989 йил 28 сентябрь соат 11. 00 да область партия комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) бўлишини маълум қиламиз.

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўлади.

Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 9. 00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Партия сафларининг жанговарлиги учун

Тошкент область партия ташкилотининг 1987 йилдаги VII пленумида КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан комплекс тадбирлар плани тасдиқланган эди. Хўш, ушбу тадбирлар республикамиз пойтахтидаги 4210 партия аъзоси ва аъзоликка номзодни бирлаштирувчи Акмал Икромов район партия ташкилотида қай йўсинда амалга оширилмоқда! Ва умуман қайта қуриш қандай бормоқда!

Поклониш йўлидан

«...Сайланиб қўйиладиган партия органларининг бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг обрўэътиборини мустаҳкамлаш, уларнинг ишини рағбатлантирувчи шароитларни яратиб бериш, партия аъзолари бир қисмининг пассивлигини бартараф этиш лозим».

(КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси Резолюцияларидан).

— Авваломбор, КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарори ва область партия ташкилотининг VII пленуми материаллари райондаги мавжуд 108 та бошланғич партия ташкилотларининг барчасида атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокама этилди, — дейди Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Тўйчи Ҳайдаров. — Партияга қабул қилишда рақамлар кетидан қувиш батамом барҳам топди. Қисқаси, КПСС аъзолигига том маънода муносибларгина қабул қилинадиган бўлди. Масалан, 1986 йили партия аъзолигига номзодликка 128 киши қабул қилинган бўлса, 1987 йил ва 1988 йилларда бу — мос равишда 61 ва 56 кишини ташкил этди. Қабул қилинаётганларнинг аксарияти ишчилар синфи вакилларидир. Ўтган икки йилда улар 67,2 ва 67,9 фоизни ташкил этган бўлишса, ҳозирги бу кўрсаткич 84,2 фоизга етди. Аёллар орасида: бултур партияга қабул қилинганларнинг 35,7, бу йил эса 36,8 фоизи хотин-қизлардир.

Аъзоликка номзодларни партия сафига қабул қилишда ҳам талабчанлик ортди: 1987 йили 5, бултур 7 нафар партия аъзолигига номзодга партия аъзолигига қабул қилишда рад жавоби берилди. Аъзоликка номзодларга тавсиянома бера туриб, йил давомида уни сиёсий баркамоллашувида яқиндан ёрдам бермаган коммунистлардан 1987 йили 7, ўтган йили 16 кишига партиявий чора кўрилди.

Бошланғич партия ташкилотларимизда партияга қабул қилишнинг икки йиллик синов тажрибаси қўлланилмоқда. Ҳозирда 169 ишчи ва 139 инженер-техник ходим ушбу синовдан ўтишяпти. Шулардан 125 нафари аёллар, 134 нафари ВЛКСМ аъзоларидир. Партияга қабул қилишни янада такомиллаштириш мақсадида 2-автокомбинат, булка-қандолатчилик комбинати, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, заргарлик заводи, 12-қурилиш трести сингари йирик партия ташкилотларида тажрибали коммунистлардан штатсиз партия комиссиялари тузилган. Бу — ўз навбатида бўлажак коммунистларнинг ишчанлиги, сиёсий ва маънавий тафаккури савиясини чуқурроқ аниқлашда ёрдам бермоқда. Шунингдек, партия аъзолигига номзодлар учун райком ҳузурида ташкил этилган «Ёш коммунистлар мактаби» ҳам самара беряпти.

Коммунистлар авангардлигини ошириш ва партия сафларини соғломлаштиришда коммунистлар аттестациясининг роли алоҳида эътиборга лойиқ. Ўтган давр мобайнида бу синовга жалб этилган 960 коммунистнинг 97 нафари шартли ўтказилиб, шулардан 79 коммунистга партия мажлисларида партиявий жазо берилди. Аттестациядан ўтишолмаган 39 коммунистнинг 20 нафари партия сафидан ўчирилди. Аттестациядан мақсад — биринчидан, партия сафини нолойиқ коммунистлардан поклаш бўлса, иккинчидан, коммунистнинг янгича фикрлаши ва қайта қуришда ўз ўрнини топишига ёрдамлашишдир.

Коммунистлар ва партия аъзолигига номзодлар авангардлигини оширишда барча бошланғич партия ташкилотларимизда «Қайта қуришдаги сенинг позициянг» шиори остида ўтказилган партия мажлислари ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Райком пленумлари ва бюро мажлисларининг жойларда ўтказилиши ҳам ошкоралик ва демократияни янада чуқурлаштиришда самара бермоқда.

— Тўйчи Ҳайдарович, райком аппаратининг структуравий тузилишида ўзгариш бўлдими! Сайлаб қўйиладиган партия органлари масъулияти ва мавқеини ошириш борасида нима ишлар қилинмоқда!

— Ҳа, район партия комитети аппаратининг структуравий тузилишида ҳам бирмунча ўзгаришлар бўлди: Советлар ва хўжалик ташкилотлари иш фаолиятини такрорлайдиган қурилиш, транспорт, алоқа ва саноат бўлими қисқартирилди. Эндиликда ушбу бўлимдагилар вазифасини ижроком батафсил ўз зиммасига олган. Райком эса ўзининг асосий функцияси — партия назорати иши билан шуғулланяпти. Районда идеология ишлари, ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш, социал-иқтисодий ривожлантириш масалалари, билдирилган танқидий фикрлар ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилувчи, миллий масала бўйича ишчи комиссиялар тузилган. Уз навбатида группа (секция)ларга бўлинган ушбу комиссиялар-пленумда тасдиқланган планлар асосида иш олиб боришади. Иш фаолиятлари тўғрисида райком бюроси ва пленумларда мунтазам равишда ҳисобот бериб борадилар.

84 коммунистдан иборат райком аъзолари ва аъзоликка номзодлар, шунингдек, райком аппарати ходимлари райондаги мавжуд барча партия ташкилотларига, тақсимланиб масъул этиб бириктирилган. Энди улар у ёки бу корхона, муассаса йўлбошчиси ва партия ташкилоти секретари билан баббаравар жавобгар ҳисобланишади: муваффақият учун ташаккур эшитишади, камчилик учун жавоб беришади.

Сайланиб қўйиладиган партия аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари батафсил ўз ифодасини топган Низом ишлаб чиқилиб, уни райком пленуми тасдиқидан ўтказдик. Низомда жумладан, район партия комитети аъзоси ва аъзоликка номзодга райондаги барча ишхоналарнинг партия ва хўжалик юргизиш фаолияти билан тўла танишишга, уларга йўл-йўриқ кўрсатишга, лозим бўлганда бошқа коммунистларни ҳам ишга жалб этишга ваколат берилган. Райком аъзолари ва аъзоликка номзодларни алоҳида кўкрак нишонлари ва мандатлар билан таъминладик.

— Юқоридаги айтганларингизни райкомдаги қайта қуриш десак бўлади. Ушбу янгиликларнинг район экономикасини юксалтиришга нафи тегяптими!

— Албатта-да! Масалан, бултур саноат корхоналари плани-дагидан 13547 минг сўмлик кўп халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришдилар. Пландан ташқари 1646 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги 1987 йилга нисбатан 7,2 фоиз ортди ва 678 минг сўм фойда олинди. Пландагидан 353 квадрат метр ортиқ капитал турар жой қурилди. Корхоналарни реконструкция ва техник қайта жиҳозлашга ажратилган маблағ тўла ўзлаштирилди.

Аммо район партия ташкилоти олдида турган муаммолар ҳали айтганимдай район меҳнаткашлари XII беш йиллиқнинг учинчи йилида олдинги йилларга нисбатан анча самарали меҳнат қилишди. Бироқ райондаги барча корхоналар ҳам бир хил фидокорлик намуналарини кўрсатишди, деб бўлмайди. Масалан, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси «Янгилик» индекси бўйича халқ истеъмоли моллари етказиб беришни олдинги йилдагига нисбатан пасайтириб юборди. «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси асосий маҳсулотлар тайёрлаш планини бажара олмади. Транспорт корхоналари имкониятлари даражасидан паст ишлашди. Уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, 18-автопарк, 2-автокомбинат сингари жами 9 та корхона аҳолига пулли хизмат кўрсатиш планларини бардош қилишди.

Уз ишига ҳафсаласиз қараётган раҳбарлар партия ташкилоти назаридан четда қолмаяпти, албатта. Область партия ташкилоти пленумидан кейинги ўтган даврда 460 коммунистнинг ҳисоботи тингланди. Шулардан 115 нафари коммунист-раҳбарлардир. Ишдаги йўл қўйган хатолари учун 21 коммунистга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан турли партиявий жазо берилди, 40 коммунист эса партия сафидан чиқарилди. 8 та корхона раҳбари, 257 та цех ва 709 та участка, смена, бригада бошлиқлари демократия йўли билан сайланишди. Меҳнат коллективларидаги мавжуд 260 лавозимга 373 киши резерва турибди. Раҳбарлик курсисини партиясиз ишбилармонларга ишониб топшириш ҳам одат тусига кириб бормоқда.

— Партияга қабул қилиш масаласида яна озгина гаплашсак: бу ишда талабчанликнинг оширилганлиги, ўзни қатъиққўллик партия сафларининг камайишига олиб келмасмикан!

— Дарҳақиқат, талабчанликнинг оширилганлиги партия аъзолигига номзодликка ўтувчиларни, уларга тавсиянома берувчиларни, шунингдек, бошланғич партия ташкилотларини қўрқитиб қўйди, чоғи. Кейинги икки йил ичида мос равишда 77 ва 83 партия ташкилоти сафининг ўсмаётганлиги шундан бўлса, ажабмас. Саноат корхоналаридаги 250 бригаданинг 67 тасида, қурилиш ташкилотларидаги 131 бригаданинг 80 тасида бирон-та ҳам партия аъзоси йўқ. Бунда мен биринчи навбатда район партия ташкилотини, қолаверса, бошланғич партия ташкилотларини айбдор деб биламан. Биз партиясизлар ўртасида етарли сиёсий-ғоявий ташвиқот ишларини олиб бора олмаяпмиз.

Бошқа корхонадан ишга келган партия аъзолигига номзодлар айрим партия ташкилотлари эътиборидан четда қолмоқда. Натижада партия ташкилоти билан узвий алоқада бўлмаган 3 номзод партия аъзолигига ўтмай қолган. Партиявий жавобгарликка тортилган коммунистларнинг ўз камчиликларини тузатган-тузатмаганликлари ҳақидаги ҳисоботларни партия бюролари ёки умумий йиғилиш мажлисларида эшитишини орадан 2—3 йил ўтганига қарамай айрим партия ташкилотлари секретарлари унутиб қўйишмоқда.

— Ҳозир ҳисобот ва сайловлар ўтаётган энг долзарб палла...

— Ҳисобот ва сайловларни ўтказиш бўйича район партия комитети секретари, олимлар ва бошланғич ташкилотлари вакилларидан иборат район штаби тузилди. Цех партия ташкилотлари ва партия группаларида, ҳисобида 15 нафаргача аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида ноябрь ойигача ҳисобот ва сайловлар, ҳисобида 15 нафардан ортиқ аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида эса йил охирига қадар ҳисобот йиғилишлари, зарур бўлса сайлов ҳам ўтказилади.

Ҳозиргача 31 та цех партия ташкилоти ва 45 та партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари кенг ошкоралик ва демократия руҳида ўтаяпти. Турар жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги битта цех бошланғич партия ташкилоти, 2-автокомбинат тасарруфидаги бешта, заргарлик заводидан ва булка-қандолатчилик комбинатидан биттадан партия группалари иши «қониқарсиз» деб баҳоланди.

— КПСС Марказий Комитетининг «1989 йилда партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ўтказиш тўғрисида»ги қарорида, «Ҳисобот ва сайловлар партия фаолиятини яхшилаш жараёнида, унинг ташкилотлари ҳамда комитетларининг иш усул ва услубларини янгилашда муҳим роль ўйнаши лозим», дейилади...

— Ҳа, ҳисобот ва сайлов йиғилишларида таклифлар тушяпти: корхоналарда алоҳида ташкил этилган бошқарма цех партия ташкилотларини тугатиб, унинг ҳисобида турган коммунистларни корхонадаги бошқа цех партия ташкилотлари ҳисобига ўтказиш, корхоналар бригадаларидаги партия группаларини тарқатиб, смена-смена партгруппа ташкил этиш ва бошқа таклифлар шулар жумласидандир. Коммунистлар киритаётган бу таклифлар ўринли, негаки, улар «Корхона раҳбар-коммунистлари ишчилар билан бирга мажлислар (партия группаси ва цех партия ташкилоти мажлислари)да қатнашишса, халққа янада яқинлашишса самара кўпроқ бўлади» дейишмоқда.

Бригадалардаги партия группаларини тарқатиб, улар ўрнида ҳар сменада алоҳида партия группаси ташкил этишга келсак, бу таклифда ҳам мантиқ бор. Бироқ бу кўпроқ сменаларга ишлайдиган корхоналарга мос келади. Масол тариқасида транспорт корхоналарини олиб кўрайлик: бригада партия группалари кам сонли, ҳатто шундай партгруппалар борки, 1-2 коммунист бошқа бригадага ишлашга ўтдими, тамом, гоҳида партгруппани тарқатишга тўғри келади. Бу — биринчидан. Иккинчидан — бригада коммунистлари турли сменада ишлашади. Шу боисдан ҳам уларни йиғиб бирон-бир партгруппа ёки партгруппа мажлиси ўтказиш қийинчилик туғдирмоқда. Улар сменаларни партгруппаларга бириктиришса, ишлаш ҳам осон бўлади, самара ҳам кўпроқ бўлади, яъни номзод танлаш ҳам осон кечади. Ҳисобот-сайлов мавсуми ниҳоясига етиши билан, тушган таклифларни кўриб чиқиш масаласини райком бюроси кун тартибига қўямиз.

Суҳбатни СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ ёзиб олди.

Ҳар бир корхонанинг ўз ветеранлари бўлади. Ёшлар улардан намуна олишади, уларга ўхшаб бир жойда кўп йиллар самарали ишлашни орзу қиладилар. Ана шундай кишилардан бири Фозил Отамуҳамедовдир.

У заргарлик заводи ташкил топгандан буён меҳнат қилиб келяпти. Дастлаб шогирд бўлиб ишлаган эди. Кейинчалик қуювчи бўлди. Орадан йиллар ўтиб бригадир бўлди. Ҳозир эса участкага етакчилик қилмоқда. Айни пайтда кўплаб ёшларга касб сирларини ўргатмоқда. Жамоат ишларида фаол қатнашяпти. Хуллас, ўз шахсий ҳаётини корхонасиз тасаввур этолмайди: унинг ютуқларидан қувонади, камчиликларни кўрганда эса ачинади, уларни қандай қилиб тезроқ бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар беради.

СУРАТДА: (чапдан иккинчи) Ф. Отамуҳамедов қуювчилар бригадаси аъзолари билан ўзаро фикрлашмоқда.

Р. Шарипов сурати.

Тўла хўжалик ҳисоби: *муаммо ва ечимлар*

Ижара тараддуди

«Октябрь 50 йиллиги» номидаги 3-автокомбинат коллективи кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари қатори хўжалик юритишнинг янги иқтисодий формасига ўтиб ишлай бошлади. Кўп йиллардан буён тўпланиб қолган муаммоларни ечиш бу ерда қандай бўляпти? Умуман хўжалик ҳисоби корхонага қандай наф келтирмоқда? Корхона партия комитетининг секретари Усмонжон Тожибеков билан шу хусусда суҳбатлашдик:

— Нима ўзгарди, деган саволни ишчиларимиз фақат бизга эмас, биз ўзимизга ҳам бериб кўрдик. Шаҳримизнинг жамики овиқ-овқат ва кийим-кечак магазинларига юкларни ташиб бериш — бу бизнинг вазифамиз ҳисобланади. Илгари соат бўйича иш ҳақи тўланарди. Яъни ҳайдовчи 8 соатсиз паркка қайтмасди. Энди эса ўша соатни мижозларимиз қўйишади. Қайси магазин қайси юк машинасидан қанча вақт фойдаланган бўлса, ўшани белгилаб беради. Шунга қараб, ўз навбатида ҳайдовчилар иши маълум бўлади. Унинг ўзига тошириллган ишни қайси вақтда амалга ошириши ўзига қўйиб берилган. Шунга қараб иш ҳақини олади. Айни пайтда мижозлар ҳам ўзларига масъулиятни оширганлар. Олдингидек бўлса-бўлмаса юк машиналаримизни ортиқча ушлаб туришмайди. Негаки энди улар машинанинг ҳар бир минути учун ҳақ тўлайдилар. Маълумки, хўжалик ҳисоби шароитида ҳеч қайси коллектив албатта буни ҳоҳламайди.

Яна муҳим янгиликлардан бири шу бўлдики, автокомбинатимиз ишга маош тўлашнинг янги формасини жорий этди. Бунинг учун энг аввало қўшимча маблағ зарур эди. Кадрлар сонини қисқартириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бу масала ҳам ҳал бўлди. Натижада 285 миллион сўм қўшимча маблағ киритилди. Шунга қараб иш ҳақи ҳам 50—80 фоизга ошди.

1988 йилнинг июль ойидан бошлаб автокомбинатимиз тўла хўжалик ҳисобининг биринчи модели бўйича иш бошлади. Бунинг учун албатта анчагина ташкилий-техникавий ишларни амалга оширишга тўғри келди. Жумладан, 11 автоколлонамиз қошида 67 та бригада тузиб чиқилди.

Давлат корхоналари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ директорлигача барча раҳбарлар демократик йўл билан сайлаб қўйилди. Хўжалик ҳисобида ишловчиларнинг барчасига тушунарли бўлиши учун иқтисодий ўқувга алоҳида эътибор берилди.

Юк ташиш плани 117 фоизга бажарилди. Натижада ярим миллион сўм планга қўшимча даромад олишга эришилди. Меҳнат унумдорлиги билан бараварига ўртача ойлик иш ҳақи ҳам оша борди. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш плани икки баравар ортиги билан бажарилди.

Хўжалик ҳисоби шароитида эришилаётган ютуқлар чакки эмаслиги кўриниб турибди. Келаётган соф фойда корхонада қандай ўзгартишлар яратяпти дерсиз. Аввало бу соф фойданинг 22 фоизигина корхонамизга қолади. Ярмидан кўп қисми эса бюджетга берилади. Ана шу даромаднинг агар 50 фоизи ўзимизга қолса эди, миллион сўмни ташкил қиларди. Умуман, хўжалик юритишнинг иккинчи модели кўп нарса берди. Биргина шу йилнинг 7 ойи мобайнида мўлжалдаги 1026 ўрнига 1321 минг сўм даромад олинди. Ишчилар қўнимсизлиги ҳам барҳам топа бошлади. Маблағни ишчилар шароитини янада яхшилашга сарфлаш вазифаси турарди. Биринчи навбатда зарур бўлган озиқ-овқат, сабзавот-мева дўконларини, кийим-кечак магазинларини ишга туширдик. Слесарларимиз учун сауна, душхонага эга бўлган маиший комплекс қуриб битказилди. Яна чойхона, кафетерий ва ошхоналар ишчиларимиз хизматида. Ҳайдовчиларимизга ёрдам тариқасида ҳар куни эрталабки нонушта тайёрлашни ташкил этдик.

Автокомбинатда ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Ўз-ўзини молиявий таъминлаш шароитида муаммолар муаммолигича қолди, десам хато бўлмас. Аввало машиналар учун деталлар ва зарур қисмларга бўлган танқислик ҳали-қануз бажарилмай қолаётган масалалардан биридир. Шунингдек, шофёрлар малакасини ошириш — бу ҳам муҳим. Ўқув комбинатлари 6 ой давомида ҳайдовчилик касбига ўргатади. Вақтида ишчи кучи билан таъминлаб турганлари учун биз улардан миннатдормиз, Лекин у ерда ўқиётганларнинг савияси очиғи, ҳозирги кун талабига жавоб бера олмайди. Мана энди, машиналаримиз газли системага ўтиши биланоқ ўқув комбинати ҳайдовчиларимизни бир ҳафта мобайнида қайта ўқитмоқда. Ўқитиш ишлари, умуман алоҳида ҳолда эмас, балки автокомбинатимизга қошида олиб борилса эди, бу биринчидан кадрларнинг бевосита тажриба жиҳатидан билим савиясини оширишга қолмай, уларга сарфланадиган маблағнинг корхонамизда қолиши таъминланган бўларди.

Режаларимиз юксак. Яқин орада коллективимиз масъулиятли методлардан ҳисобланган ижара пудратини жорий этмоқчи. Бу айниқса корхонамиз учун мустақил бўлиш имконини беради. Бу ўринда автокорхонамиз қатор масалаларни ечмоғи зарур. Аввало корхона ишини баҳолашдаги бош кўрсаткич қилиб фақат тонна ҳисобидаги юк ташиш умумий ҳажми эмас, балки бажариладиган ишнинг дастлабки нуқтасигача ҳисобланиши лозим. Хуллас, буларни тез орада ҳал этиш корхонага бериладиган мустақилликка боғлиқ. Қанча тез мустақил бўлсак, автокомбинатимиз муаммолари шунча тез ҳал бўлиб бораверади. Ўз-ўзини молиявий таъминлаш шароитида корхона кўрсаткичлар суръатини ҳам оширишга эришади.

Ф. ҲУСАНОВА.

«Хьюго» довули

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Гваделупа, Доминика, Аннигуа ва Барбуда ҳамда Кариб ҳавзасидаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг кўчаларн одатда якшанба куни одамлар билан гавжум бўлар, ўзига хос тароват касб этарди. Бу гал эса бунинг тамоман акси бўлди. Ҳамма ерда ташвиш қукмрон, кўпгина аэропортлар ёпиб қўйилган, автотранспорт оқими анча камайган, одамлар кучли «Хьюго» довули яқинлашиб келаётган денгиздан узоқроқда юришга ҳаракат қилишарди. Чунки бу довул бутун мавжудотга жуда катта талафот етказиши мумкин эди. Довул ўзи билан бирга кучли жала ва қутурган шамолларни олиб келади, шамолнинг тезлиги довул марказида соатига 240 километргача етади. Дахшатли табиий офат якшанба куни Кариб ҳавзасида жойлашган баъзи давлатларнинг соҳилларига ёпирилиш қутилган эди. Америка АП агентлигининг хабар қилишича, довул якшанба куни эрталабданоқ Гваделупага бостириб кирган. У мазкур мамлакатга қандай куч билан ёпирилганлигини ҳозирча айтиб бўлмайди, чунки телефон ва телеграф орқали бирон бир хабар олишга қилинган ҳаракатларнинг барчаси бекор кетмоқда. Яқинда француз маъмурлари табиий офатга қарши курашда Гваделупага зудлик билан ёрдам беришга, у ерга замонавий воситалар билан қуролланган қутқарувчиларни, дори-дармонлар, иссиқ кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатишга қарор қилдилар.

Мутахассисларнинг айтишларича, «Хьюго» довули кейинги ўн йил ичида марказий Америка мамлакатлари билан Кариб ҳавзаси устига ёпирилган энг кучли довуллардандир. Уни 1977 йилда мазкур район устидан ўтган «Дэвид» довули билан таққослашмоқдалар, «Дэвид» довули бу мамлакатларга мислсиз кулфат ва азоб-уқубатлар келтирган эди, унинг оқибатлари ҳалигача тўла тугатилган эмас. Ушанда мингдан ортиқ киши ҳалок бўлганди.

Аср остонасидан ҳатлаб ўтганлар

⊙ ТОКИО. ТАСС мухбири Владимир Солнцев хабар беради: 3 минг нафардан кўпроқ япон «икки асрда кўп нарсаларни кўрдим» деб мақтанса арзийди. Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги тарқатган ахборотга қараганда, бир аср остонасини ҳатлаб ўтган умри узоқ кишилар сони Японияда 3.078 нафарга етди. 100 баҳорни кўрган кишилар сафига ўтган йил мобайнида 410 пиру бадавлат қария қўшилди, агар 1972 йилда мамлакатда бир аср яшаган кишилар 153 нафар бўлганини эсласак, эндиликда бир аср юзини кўрган одамлар сони 20 баравар кўпайганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Министрлик маълумотларига кўра, ўтган йили япон аёлларининг ўртача умр кўриши 81,3 йилга баробар бўлди. Мамлакат эркаклари 75,54 йил умр кўрмоқдалар. Министрлик экспертларининг фикрича, Японияда 1988 йилда туғилган жами болаларнинг 50 фоизидан кўпроғи камида 80 йил яшайди.

Танзанияда филлар санаб чиқилмоқда

⊙ ДОРУССАЛОМ. ТАСС мухбири Владимир Новиков хабар беради: Танзаниянинг ёввойи табиат [Тавиқо] корпорацияси мамлакатнинг Жануби Ғарбида жойлашган Селус миллий боғидаги филларни санай бошладилар. Боғ директори Коста Млей шуни хабар қилди. Унинг фикрича, бу тадбир ҳайвонот дунёсининг энг баҳайбат вакилларини сақлаб қолиш учун Танзания кўраётган тадбирларнинг нечоғли самарали бўлаётганини аниқлашга имкон беради.

5 миллион гектардан кўпроқ ерни эгаллаб турган Селус миллий боғи 1951 йилда ташкил этилган бўлиб, бундан муддао ана шу ҳайвонларни қонун муҳофазасига олиш эди. Ҳозир мамлакатда 15 га яқин қўриқхона ва боғ бор. Аммо бу тадбирларга қарамай филлар ҳам, бошқа ёввойи ҳайвонлар ҳам ҳар йили 10—12 процент камаймоқда. 1977—1988 йиллар мобайнида филлар сони 53 процент камайди, яъни 185 мингтадан 81 мингатага тушиб қолди. Ҳозир эса, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бор-йўғи 55 минг бош фил бор.

Мамлакат ҳукумати филларни қутқариш учун фавқулодда чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. Саёқ овчиларга қарши ҳарбий бўлинмалар курашмоқдалар. Фил суяги ва ундан ясалган буюмларни ғайриқонуний йўллар билан сақлаш ва сотиш учун қаттиқроқ жазо берилмоқда.

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

Далиллар ўжар бўлади

Нима кўп шаҳарда бетон уй кўп. Тўққиз қаватли бу биноларда минг-минглаб оилалар яшашади. Албатта улар замонавий усулда қурилиб, барча шароитлари мавжуд бўлган бундай уйларда яшаш бахтига муяссар бўлишганидан бахтиёрдирлар. Лекин бир яхшининг бир ёмони бўлганидек улар кўпинча ахлатхона қувурларини тўлиб қолишидан, ҳафталаб тозаланмаслиги туфайли улардан чиқаётган қўланса ҳидларидан шикоят қилишади. Балки, бу гапимизга баъзи уй-жой бошқармалари ёки «Автодормехбаза» идорасининг бошлиқлари қўшилишмас. Афсус далил ўжар бўлади.

Куни кеча Юнусобод массивининг 5-кварталида жойлашган 11-уйда бўлдик. 9 қаватли бу осмонўпар бинода истиқомат қилувчилар бир неча бор редакциямизга шикоят хати ёзиб, унда уйнинг биринчи қаватидаги йўлаклар ахлат уюмларига тўлиб кетганлиги, истиқоматчилар, пашшалар «ҳужуми»дан йўлакка аранг кириб чиқаётганликлари, кечалари чивин билан олишиб, мижжа қоқолмай тонг оттираётганликларини баён этишарди. Ана шу шикоят хати юзасидан ўша «объект»га бордик. Бизни шу уйда яшовчилар «қўшқўллаб» кутиб олишди. Хасратларини тўкиб солишди.

Чиндан ҳам 6 йўлакдан иборат бўлган ушбу уй йўлаклари ахлатга тўлиб кетган. Ахлатга қоришиб ётган қовун, тарвуз пўчоқлари ва ҳўл мевалар ирибсасиган.

— Бизга Киров районидаги «4-автодормехбаза»нинг 06—42 номерли машинаси ишлар экан. Унинг шофёри Р. Ҳасанов ва ишчи Р. Холметовлар ҳафтада бир ёки икки марта келишиб ахлатхона қувурини чала-чулпа тозалаб кетишарди. Буниси ҳам ҳолва экан. Кейин фақат биз хабар берганимиздагина келишадиган бўлишди. Лекин бу галгиси ўтиб тушди. Уч марта бориб уларни огоҳлантириб келдик. Аммо ҳалигача машинадан дарак йўқ, — дейди куйиниб шу уйнинг 105-квартирасида истиқомат қилувчи Ш. Исломов.

Воқеадан хабардор этиш учун, ўзимиз «Автодормехбаза» идорасига йўл олдик. Соат кундузги 11 ларда унинг ҳовлисига кириб бордик. Бу ерда икки кишидан бўлак ҳеч ким йўқ экан. Улар бемалол чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Ўзимизни таништирдик.

— Жуда яхши, ўтиринглар марҳамат, — дейишни улар.

— Сизлар ким бўлиб ишлайсизлар?

— Мен диспетчер, бу киши механик.

Афсуски, улар устаси фаранглардан чиқиб қолишди. На униси, на буниси исми ва фамилиясини айтишмади, деди. Албатта унинг бизга аҳамияти йўқ. Агар биз 2 сентябрь шанба куни бу ерда ким диспетчер ва ким механиклик қилганини сўрасак балки уларнинг исм-шарифларини автобаза бошлиқлари айтиб беришар. Лекин суҳбатдошларимизнинг ўзларини тута билмасликлари бизни таажжубга солди.

Шу куни автобаза бўйича 47 машина ишга чиққан.

— Қолган техникалар нега объектга чиқмади?

— Ишга яроқсиз бўлгандан кейин...

— Наҳотки мана бу янги машиналар ҳам бузуқ бўлса?

— Уларнинг ҳайдовчилари отпускада...

Хуллас, шу куни ва механикдан, на диспетчердан саволларимизга тузук-қуруқ жавоб ола олмадик.

Биз юқорида тилга олган 11-уйга хизмат қиладиган машина эса ремонтда экан.

— Ахир унинг ўрнига бошқасини юборса бўлади-ку.

— Бунисини машиналар тақсимоти эксплуатацияси бошлиғи Т. Д. Эшдавлетовдан сўрайсиз.

Афсуски, у киши ҳам яқиндагина бир юмуш билан чиқиб кетган эканлар. Шундай қилиб, биз сўнгги сўзни Т. Д. Эшдавлетовга бермоқчимиз.

М. КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 11-уй йўлагида тўпланиб қолган ахлат уюмлари; ўша йўлакка кираверишдаги эшикнинг ҳозирги кўриниши; «Автодормехбаза»даги эгасиз» машиналар.

Х. Мирзакаримов суратлари.

Педагог минбари

Гўдакнинг руҳий олами

ҲАР БИР ота-она фарзандининг қувноқ, хушчақчақ табиатли шахс бўлиб камол топишини истайди. Қувноқ кайфият эса сиҳат-саломатликнинг гаровидир. Шу сабабли ҳар бир ота-она, ҳар бир мураббий гўдак йиғисининг ўзига хос хусусиятларидан яхши хабардор бўлиши лозим.

Ҳаётдан маълумки, мактабгача ёшдаги боланинг ҳиссиётлар олами ўта беқарор бўлади. Ҳаётда кўз ёшларини дурдек тўкиб, қаттиқ йиғлаб турган гўдакнинг бир дақиқа ўтмай жўшкин кулаётганининг ҳар бир киши шоҳиди бўлган, албатта. Бола ўйнаб юрган пуфаги бирдан ёрилиб кетса, ҳўнграб йиғлайди. Буни кўрган дадаси пуфак қийтимларидан жажжи пуфакчалар ясаб уни кафтига ишқаласа, овоз чиқаради, бармоғи билан чертса ёрилади. Буни кўрган гўдак шу ондаёқ овунади. Кўзларидаги ёш ҳали қуриб улгурмасиданоқ у қотибқотиб кула бошлайди.

Тажрибалар кўрсатадики, гўдак катталарнинг муносабатларига нисбатан айниқса сезгир бўлади. Агар она ёки мураббий қувноқ табиатли, мулойим, ширинсухан, беозор бўлса, фарзанд ҳам хушчақчақ бўлиши, оила даврасида ўйнаши ва қувнаб яйраши мумкин. Мабодо она жаҳлдор бўлса, бақирса, асабийлашса, булар боланинг туйғу-ҳисларига салбий таъсир этиши оқибатида йиғини келтириб чиқаради, албатта. Мана бундай оналарнинг: «Овозингни ўчир, йиғлама», деб жаҳл билан айтадиган талаблари таъсирида гўдак янада кучлироқ ҳўнграб йиғлайди. Лекин гўдак нима учун йиғлаётганини дарров унутиб қўйиши, ҳатто онасининг хафа бўлганини ҳам унутиб юбориши мумкин.

Кичкинтой кечинмаларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, воқеани ақлда қайта ўйлаш, вазиятга фикран «мурожаат этиш», нохуш ҳолатдан чиқиш йўлини фикран ўйлаб топиш каби катта киши ақлига хос бўлган муҳим хусусиятлар бу ёшдаги гўдакда ҳали шаклланмаган бўлади. Чунончи, гугурт чўпларни сочилиб кетса, уларни териб олиш мумкин, лойга йиқилиб тушса, ювса тоза бўлади, ойиси бирор ерга кетса, тезда қайтиб келади, отаси уришаётган бўлса, бироздан сўнг тинчлангач, уни кечиради, ўйинчоқ синиб қолса, уни тузатса бўлади каби воқеаларнинг ҳаммаси катталар фикрича унча арзимайдиган нарсалар ҳисобланади. Чунки булар вақтинча бўлиб, тузатса, сабр қилса бўлади. Лекин гўдак вазиятни ақлида ўйлашга, ҳосил бўлиб қолган ҳолатдан муваффақиятли чиқишни олдиндан кўра олишга қодир эмас, албатта. Гўдак рўй бераётган ҳамма нарсани тузатиб бўлмайдиган, қайта тиклаб бўлмайдиган, содир бўлган ҳолатни сира ўзгартириб бўлмайдиган ҳолат деб тушунади. Аслида овутиб бўлмайдиган гўдак қайғуси ва аччиқ кўз ёшларининг асосий сабаблари мана шундадир. Катталар ушбу вужудга келган ҳолатни осонгина тузатиб, қайғусининг сабабларини тугатгач, бола яна муҳайё қилинган вазиятни доимий, қувончларини эса абадий деб ишонаверади.

Ҳаётда шундай болалар ҳам учрайдики, улар ниҳояси ёмон тугайдиган ҳикоя ва эртакларни сокин эшита олмайди, у шу ерига келганда йиғлаб юбориши мумкин. Бундай болалар баъзан мана шунга ўхшаш қайғули кечинмалардан қочиш мақсадида ўша жойини ўзлари ўзгартириб айтадилар. Масалан, бундай болалар «Бўри қизил Қалпоқчани еб қўймайди...» ёки «Тулки Бўғирсоқни ютиб юбормайди», деб айтишлари мумкин.

Халқ таълим-тарбиясида йиғлаётган болаларни тинчлантиришга таъсир этадиган оддий, анча самарали воситалар топилган. Бу воситалар эса салбий кечинмаларни йўқотишга ва бола эътиборини қандайдир бирор қизиқарли нарсаларга ёки кулгили воқеаларга чалғитишга ёрдам беради. Масалан, она йиғлаётган қизчасига: «Вой, катта-катта кўз ёшларинг эсиз-эсиз, бекорга оқиб кетаяпти. Кел, уларни шишага солиб йиғамиз, балки шишамиз тўлар!» деган ҳолда кўз ёшини шишага оқизишини тавсия қилади. Аммо кўз ёшини йиғишга тайёрланилгунча, кўз ёшлари қуриб қолади ва шишага солишга ҳеч нарса қолмайди.

Ёки йиғлаётган болага яна мана бундай дейиш мумкин: «Вой, қара, сенинг елкангга қайсарвой ўтириб олиб роса йиғлаяпти. Кел, уни тезроқ ҳайдаб юборамиз»,— деган ҳолда она ўғилчаси билан бир елкасидан иккинчи елкасига сакраб ўтаётган қайсарвойни то тутиб олгунларича, ҳамма хафачилик унутилиб кетади.

Умуман, гўдак эътиборини жуда осон чалғитиш мумкин. Болага янги, очиқ рангли нарса кўрсатиш ёки унинг ўзи кутмаган қизиқ машғулот тавсия қилинса, у йиғисини дарров унутиб, янги таассуротларга чалғиб кетади ва сидқидилдан қувониб кула бошлайди. Демак, гўдак кечинмаларининг соддалиги, тўғрилиги, самимийлиги, гўдак қалбининг поклиги, унинг ўта ҳаяжонлилиги каби хислатлар бола руҳий оламининг ажойиб бойлигидир. Катталар эса буларни тушунишлари ва оқилона ёндошган ҳолда табиий тарзда идрок этишлари зарур.

Робия ТЎРАХОНОВА,
доцент.

Оила одоби

Овсинлар

ТУҒИШГАН опа-сингиллар турмушга чиқиб, бир-биридан узоқда яшаши, бир-бирининг кори-ҳолига ярай олмаслиги мумкин. Бу табиий ҳол — қиз бола бировнинг хасми. Лекин қўпинча ёнма-ён яшашга тўғри келадиган овсинлар бир-бирларига жуда яқин бўлиб, худди туғишган опа-сингиллардек бир остонадан кириб, бир қозондан овқат ейишади, оилада ҳар ишда ҳамкор бўлишади. Овсинлар бирининг огирини иккинчиси енгил қилса, бири бетоб бўлганда иккинчиси унинг жонига оро кирса — бу бизнинг чинакам одамийлигимиздан далолат эмасми?

Ахир овсинлар туғишган ака-укаларнинг оилалари. Ака-укаларни эса бир-бировидан жудо қилиб бўлмайди, улар бировнинг хасми эмас. Улар бир умр бири иккинчисининг суянган тоғи! Бири-иккинчисининг жон малҳами! Мабодо ака-укалар ўртасидаги ҳурматга дарз кетса ёки улар бир-биридан тириклай юз ўгирса, бунга фақат овсинлар айбдор, ҳа, овсинларнинг суяксиз тили айбдор.

Тошкентнинг «Бешёғоч» даҳасидаги кафтдеккина ҳовлиларидан бирида тўрт овсин — касблари оддий ишчи, хизматчи бўлган Маъсуда, Карима, Ўктам, Муборак Толибовалар қайноналари Нури хола бағрида яшар эдилар. Ҳар бирининг учтўрт, ҳатто Ўктамнинг саккиз нафар ўғил-қизи бор. Лекин ҳар бир оилага бор-йўғи бир уй, бир даҳлиз, ҳатто баъзиларига биттагина хона берилган. Нури момо учун ҳатто алоҳида хона ҳам йўқ. Ёз бўйи ҳовлида, қишда набираларининг пинжида.

Нури момо эри жуда эрта вафот этиб, бевалик билан болаларини улғайтирди. Уй қуришга қўли калталик қилди. Нури момонинг на саводи, на бармоқларида тилла узуги, на эгнида шоҳи қўйлагу, бахмал камзули бор эди. Кийгани чит, оёғида калиш, лекин тили бол эди, қалби бой эди. Биринчи сўзи «Онагинанг ўргилсин!»дан бошланар, икки юзи қип-қизил, доим кулиб турарди. Турмуш қаттиқлигига қўшилиб, қаттиқ бўлиб кетмаганди, юмшоқ аёл эди. Ўзига тузукроқ оилаларнинг чопонини тикиб, кўрпасини қавиб, болаларини вояга етказди, уйлантирди.

Овсинлар мана шуларнинг ҳаммасини юракдан ҳис қилиб, ҳа, ўша бири юрса, иккинчиси ёни билан туришга мажбур бўладиган кафтдеккина ҳовлида ими-жимида яшашди. Болалар бир-бири билан уришиб қолганда ҳам, яшаш қийинлашганда ҳам бир-бирининг юзига оёқ қўймади. Ахир улар овсинлар, тўрт ака-уканинг оилалари...

Сабрнинг таги — олтин. Уларнинг ўша кафтдеккина уйлари бузилиб, ўша жойларда «Халқлар дўстлиги» майдони қурилди. Буларга эса, ҳар бир оилага алоҳида-алоҳида кенг, шинам квартиралар берилди.

Карима опа билан Ўктамнинг уйлари ёнма-ён — Қорасув массивидаги биринчи уйнинг биринчи ва учинчи қаватларида истиқомат қилишади. Маъсуда опаники бор-йўғи бир маҳалла нарида, Муборак эса қўшни массивда яшайди. Лекин улар ҳамон яхши овсинлар, бордикелдили, оқибатли. Улар қиз узатиб, ўғил уйлантириб набиралар кўришди. Ҳаммавақт овсинлар бири-иккинчисига тўйбоши, энг яқин ёрдамчи, энг яқин маслаҳатгўй. Мана яқинда Карима опа қизини узатади. Тўйга тайёргарлик ишлари кетаяпти. Албатта, бу ишда Ўктамнинг ўғиллари, ўзи камарбаста.

Нури момони сўраяпсизми, азиз оқшомхон! Ў вафот этди. Тўрт ўғил, тўрт келин, набиралар, энг муҳими бутун Қорасув маҳалла аҳли уни сўнгги йўлга кузатди.

Овсинлар эса ўша қайноналаридан қолган яхшилик уруғлари — оддийлик, самимият ва меҳрибонлик фазилатларини фарзандлари, набираларининг дил-дилига сингдириб, ёруғ юз билан яшаяптилар, десам ишонинг!

Энди мана бу воқеа билан танишинг...

— Уруш йиллари, — деб ҳикоя қилади Маҳфуза опа (илтимосига кўра исмларини ўзгартирдим) — қўлимда саккиз ойлик қизчам билан жуда ёш қолдим. Дадаси биринчилар қатори урушга кетдилар. «Маҳфуза боласи билан ёлғиз қолди» деб хат ёзганлар шекилли қайнотам («Муллака» дердим), бизни шаҳар четидаги ўз ҳовлисига кўчириб олиб кетди. Овсиним билан дастлаб яхши яшадик. Кейин мўллакам ҳам армияга чақирилди. Кета туриб: «Мана, сигир-бузоқ, қўрада қўйлар, қопларда дон, икки овсин биргаликда еб-ичиб аҳил яшанглар. Болаларга яхши қаранглар», деб тайинладилар. Ҳа, мўллакам яхши ишда ишлардилар-да. Биз эса эндигина ўқишни битирган, ҳеч вақомиз йўқ, ёш оила эдик.

Биринчи кунданоқ овсиним «Сен ҳам ўз кунингни кўр, биз ҳам қозонимизни бошқа қиламиз», дедилар. Дон-дунлар турган хонага қулф тушди. Сигирнинг сут-қатиғи бозорга чиқди. Қўй сўйиб, бир парча гўшт бермай хўрлаганлари, қозонда қайнаб турган калла гўшти-ю, ҳасип ҳиди келганда қизчамнинг хархаша қилганлари... Хатларда бу ҳақда ёзиб ўтирмадим. Ҳа, яхши яшаб, еб-ичиб юрибмиз, деб қўя қолдим. Қон кечиб, жон кечиб юрган аскарга ўз ҳасратимни ёзайми?

Болалар боғчасига ишга кирдим. Кечгача кир ювиб, супуриб-сидириб болаларга қарардим. Қизим ёнимда бўларди. Қишда эса боғча бекилиб, омборхонага лавлаги тозалашга чиққанимда болам уйда ёлғиз қоларди. Кечгача бир бурда нонга зор бўлган кунларимиз кўп бўлди. Топсак еб, топмасак сабр қилиб, ниҳоят ғалаба кунларига ҳам етиб келдик. Карим акам урушдан соғ-омон қайтиб келдилар. Афсус, қайнотам... шундай яхши одам урушда ҳалок бўлди.

Карим акам биринчи маошигаёқ овсинимнинг болаларига кийим-бош, озиқ-овқат олиб бердилар. Майли, дедим. Отаси йўқлиги билинмасин. Карим акам рўзғорга нимаики олиб келсалар, ярмисини шуларга олчиқиб бердим. Кейин ҳовли олиб, шаҳарга кўчиб келдик. Барибир борди-келдини узмадик.

Овсинимнинг болалари ишга, ўқишга кирадими, уйланадими, доим Карим акам икковимиз қўлимиздан келган ёрдамни аямадик. Мана ҳозир ҳам тез-тез хабар олиб турамиз. Лекин овсиним ўша кунларни эсласа керак-ки, кўпинча кўзимга тик қаролмайди. Мен эсам у гапларни сира-сира эслатмайман. Аксинча опа-опа деб кўнглини кўтараман. Меҳримни, ширин сўзимни аямайман.

Борида манманлик қилиш, хатолик кимлардан ўтмайди, дейсиз. Мен бу гапларни сизга айтишимдан мақсад, миннат қилиш эмас, асло, кўрган-кечирганларимиз ёш овсинларга сабоқ бўлсин, одам-одамга ҳамиша керак, демоқчиман. Вақтинчалик-ми, майли, бир умрликми, ишқилиб, моли-давлат деб, киши бир-бирини хўрламасин.

Шаҳримизда яхши овсинлар жуда-жуда кўп. Улар оилада аҳилликни, файз-баракани таъминлаб, фарзандларини ўзларига муносиб кишилар қилиб тарбиялаяптилар. Балким, мен айтолмаган гапларни, овсинлар ўртасидаги мен таъриф-лай олмаган хусусиятларни овсинларнинг ўзлари ёзишар.

Менинг истагим эса битта — овсинлар опа-сингиллар бўлиб қолишса, яхшилик гуллари очиларверса...

Санъат МАҲМУДОВА.

Дугоналар.

Қизлар дафтаридан

ОНА

Она — қуёш мангу нур, зиё.
Она меҳри тенгсиз жаҳонда,
Бир қўлида ухлайди гўдак,
Бир қўлида тебранар дунё.

ТОНГ

Етоғига кетди юлдузлар,
Тун ҳам бўлди қайғадир ғойиб,
Тоғ ортидан олтин кокилли,
Бир париваш чиқди жилмайиб.
Табиатнинг ёришди қалби,
Дилбар қуёш тахтага ўтирди,
Нурли чаққон бармоқлар ила,
Тун гардини ердан сидирди.

ШУНИНГ ЎЗИ БАС

Ёниб-ёниб яшасам дейман,
Учқун сочсам, шуъла таратсам.
Ёнаётган учқунларимдан,
Ўзга қалбга гулхан яратсам
Кут бўлсам ҳам майлига кейин,
Бирор дилни истолсам бас.
Ўша учқун ҳаётимни ҳам,
Ёритолса то сўнгги нафас
Шунинг ўзи бас.

Марям АҲМЕДОВА.

УМИДИМ

Ҳали олдиндадир чароғон роҳим,
Йўқолмаган ҳали меннинг паноҳим.
Мен ҳали гулзорда бир нозик чечак,
Ифорлар таратиб, ўсмоғим керак!
Жажжи юрагимда зарра йўқдир доғ,
Пок ниятга чорлаб, порлар кўкда моҳ.
Қалбим ёниб Данко қалби сингари.
Мудом интилурман халоллик сари.

ЕЛҒИЗЛИК

(Манзара)

Харсангдай эзади ичимни ёмғир.
Кузакнинг шамоли эса ғир-ғир.
Сукунатли хона юҳога ўхшар,
Бўм-бўш юрагимга қўрқинчлар тўшар.
Даҳшатли гулдурос — менга мухолиф,
Қаҳқаҳа отади — недандир ғолиб.
Кимнидир кутаман. Кўзларим интиқ,
Дарҳол югураман эшик этса «тиқ».
Ҳеч ким йўқ... Чўкаман жойимга беҳол,
Алдашни авжига чиқарар шамол.

Дилфуза МУМИНОВА.

Маслаҳатларимиз

Дори ичганда

Бола эмизадиган аёл дориларни фақат шифокор рухсати билан ичиши керак. Агар у дориларни билар-билмас, ўзбилармонлик билан ичадиган бўлса, чақалоқ соғлиғига ҳам, ўзининг саломатлигига ҳам зиён етиши ва оқибатда аслига қайтмас асоратлар юзага келиши мумкин. Шифокорлар эмизикли оналарни даволаш учун кўкрак сутига ўтмайдиган ёки бола соғлиғига ёмон таъсир қилмайдиган дориларни беришади.

Хўш, эмизикли онанинг тоби қочиб иситмаси кўтарилса, қаттиқ йўтал пайдо бўлса, тумов бўлиб, ўзини ёмон ҳис этса нима қилиш керак? Бундай пайтда она чақалоғини вақтинча (одатда 3—4 кун) эмизмай туриши лозим, чунки касаллик пайдо қилган микроблар кўкрак сутига ўтиши мумкин. Болани сунъий овқатлантиришга ўтказиш керак, бироқ эмизиш пайти келганда кўкракдан сутни соғиб ташлаш лозим, шундай қилинганда сут қайтиб кетмайди.

Эмизикли оналар оёққа хантал ванна қилишлари, оғизни мойчечак (ромашка), календула, эвкалит дамламаси, ичимлик сода эритмаси билан чайишлари мумкин. Шунингдек, десенсибилизация қилувчи воситалар (димедрол, супрастин), В группа витаминлари, витамин С, Р, иситма туширадиган дорилар (анальгин, амидопирин) қабул қилишлари, бурунга санорин ёки нафтизин томизишлари мумкин. Лекин бромгексин, тусупрекс, либексин, шунингдек, таркибида кодеин бўладиган дориларни ичиш асло мумкин эмас.

Баъзан шундай ҳам бўладики, эмизикли онанинг узоқ вақтгача антибиотиклар билан ёки болада диатезни зўрайтирадиган, дисбактериоз касаллигини пайдо қиладиган бошқа дорилар билан даволанишига тўғри келади. Бундай ҳолларда ҳам болани эмизмай туриш керак. Шунда ҳам эмизадиган пайт келганда она кўкрак сутини соғиб ташлашни унутмаслиги керак. Она сўнгги дорини ичганига бир ҳафта бўлгандан кейингина, болани эмиза бошлаши мумкин.

Маърифат ОРИФЖОНОВА.

Диққат: янгилик!

ҚЎШМА КОРХОНА ОЧМОҚЧИМИСИЗ?

Қишда Тошкентда очиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилишни ўргатувчи биринчи мактабда тингловчиларга ҳойнаҳой, шундай савол берилса керак. Бу мактабни Ўзбекистоннинг акционерлик Инновация банки билан Детройтдаги «Жон червени интернешна ассошиэйтс, инк» компанияси ташкил этмоқда. Ўзбекистондаги хўжаликларнинг раҳбарлари Канада ва АҚШдаги фермерлар ва компанияларнинг сабзавот ва мева етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва ташиш соҳасидаги бой тажрибасини ўрганиб тадбиқ этишлари мумкин бўлади.

Ушбу мактабда ибрат олса арзигулик фойдали нарсалар кўп бўлади. Мактаб ташкилотчилари билан учрашувда қатнашган қишлоқ хўжалиги мутахассислари бунга ишонч ҳосил қилдилар. Ана шу мутахассислар лекция ўқийдиган кишилар билан танишибгина қолмай, лекциялар қандай бўлишини ҳам билиб олдилар. Бошқача айтганда, учрашув бўлажак машғулотларнинг бир қисми бўлди.

— Биз бу ўқишни узоқ вақтга мўлжалланган ва кенг кўламли ҳамкорлик соҳасидаги биринчи қадам деб ҳисоблаймиз, — деди ЎзТАГ мухбирига компания президенти Жон Червэни. — Биз бу ерга Ўзбекистондаги хўжаликлар, қайта ишловчи заводлар кооперативларнинг ишбилармон раҳбарларини йиғиш ниятидамиз. Улардан энг қобилиятлилари Қўшма Штатларда ўқишни давом эттиришади. Энг муҳими, ана шу одамлар орасидан қўшма корхоналар очиш учун шериклар топишни истаяпмиз.

— Бизнинг Инновация банкимиз жаноб Червэнининг фирмаси сингари бу ишда воситачилик қилади, — деб суҳбатга қўшилди Ўзбекистон Инновация банки маркетинг группасининг бошлиғи Марат Риқсиев. — Америкаликлар ўқитувчиларни, кейинроқ эса ускуна етказиб берадиган ва бирга ишлайдиган фирмаларни топиб беришади. Биз эса юқорида тилга олинган мактабни ташкил этиш ва техника сотиб олиш учун пул ажратамиз, бунда албатта бўлажак даромадларни назарда тутамиз.

Шундай қилиб, республика учун янги бўлган усулда қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Хўжаликлар, гарчи улар қўлида валюта бўлмаса ҳам, чет элнинг энг янги ускунаси билан жиҳозланган ўз цехларини очиш имкониятига эга бўладилар. Бунга эса зарурат бор: ташиш ва қайта ишлаш чоғида неча минг тонналаб мева ва сабзавот нобуд бўлиб кетиши хўжалик ҳисоби шароитида бир маромда ва фойда кўриб ишлаш имконини бермайди. Шуни айтиш керакки, исрофгарчилик кўпинча мўл ҳосил етиштирган деҳқоннинг айби билан бўлаётгани йўқ.

Айтмоқчи, ўзбек заминининг саҳовати ҳамкорликка туртки бўлди. Шу йилнинг май ойида СССР ва АҚШдаги биродарлашган шаҳарлар мэрлари учрашган вақтда икки нарса америкаликларни лол қолдирди: бозордаги мевалар ва сабзавотлар кўзни қамаштирса ҳам, дўконлардан буни топиб бўлмасди. Ўша кезлар ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлашда ёрдам бериш зарур, деган хулосага келинди. Қўшма корхоналарнинг маҳсулоти биринчи навбатда республиканинг ички бозорида сотилади.

Маҳсулотнинг озгина қисми валюта олиш учун Европа ва Америкада сотилиши мумкин. Ҳозир бутун дунёда биологик жиҳатдан тоза маҳсулот жуда харидоргир бўлиб турибди. «Ўзбекистонда ана шундай мева ва сабзавот етиштириш учун шароит яхши», — деди компания вакили.

Хўжаликлар бошқача усул билан ҳам валюта ишлаб топишлари мумкин. Аввало пландан ташқари етиштирилган маҳсулот., жумладан, пахта, пилла, ер ёнғоқ, зираворларни фирма воситасида чет элларда сотса бўлади, бу маҳсулотлар аввало Америка қитъасидаги шерикларни қизиқтириб қолди. Ҳойнаҳой бошқа вариантлар ҳам бор. Америкаликлар — ишбилармон кишилар, шунинг учун улар сафарнинг иккинчи куниёқ Тошкент областидаги хўжаликлардан бирига боришди. Далаларни кўздан кечирган ва меҳнатни ташкил этиш билан танишган меҳмонларда бирга ишлаш учун ер ва одамлар борлигига умид уйғотди.

— Бундай хўжаликлар республикамизда кўп, — деб уқтирди М. Риқсиев. — Ғайратли, уддабурон хўжалик ходимларимиз ҳам етарли. Аммо тўғри ахборот бўлмагани, маблағлар йўқлиги мамлакатимиз ва ҳориждаги шериклар билан алоқалар ўрнатилмагани учун бу кишилар кўпинча жўяли таклиф ва имкониятларини амалга оширолмайдилар. Ўзбекистон Инновация банки ана шундай одамларга ҳамма нарсани муҳайё этиш ниятидадир. Агротижорат мактабини очиш бу борадаги биринчи қадам бўлади. Ҳозир мактабга ўқувчилар қабул қилямиз ва бутун Ўзбекистондан мутахассисларнинг келишига мунтазирмиз. 45-45-08 ёки 45-43-37 телефонлар орқали маслаҳат ва ахборот беришга тайёрмиз.

—Сиз хўжаликларнинг раҳбарлари ҳақида гапирдингиз, раҳбар бўлиши шартми?

—Бу истагимиздир. Ўқув жараёнида қўшма корхоналар очиш масалалари ҳал этилади, битимлар имзоланади, деб ўйлаймиз. Бунинг учун эса колхоз раиси ёки совхоз директори бўлиши керак.

Ҳойнаҳой, биринчи галда рентабель хўжаликларга кўз тикилаётган бўлса керак?

— Бу шарт эмас. Агар хўжалик «ўтириб» қолган бўлса-ю, энг яхши технология ва техника, меҳнатни мукаммал ташкил этиш ёрдамида қолоқликдан чиқишга ҳаракат қилаётган бўлса, биз бундай хўжаликларнинг вакилларини кутамиз. Банк кредит ҳам бериши мумкин. Аввало ҳар бир лойиҳани синчиклаб ўрганамиз ва маблағ сарфлашнинг самараси ҳақида хулоса тайёрлаймиз.

Хуллас, банкнинг омади келади ҳамда биргаликдаги қайта ишлаш корхоналари ташкил этилади деб умид қиламиз. Ахир бу иш республикамиз аҳлига кўплаб ва ғоят сифатли ширин-шакар мева ва сабзавот етказиб беришдек яхши ният билан қилинмоқда-ку.

Кузнинг қанду асал узуми.

Р. Шарипов суратлари.

Барно келин

Шингил ҳикоя

Ҳамро хола келин тушириди-ю, тинчиди-қолди. Орзу-ниятлари амалга ошганидан жу-да ҳам хурсанд. Қаерда бўлмасин, келинини мақтагани мақтаган.

— Барака топсин. Жуда ҳам ақлли, оёқ-қўлли, чаққонгина. Бирам пазандаки, пиширган овқатини еб тўймайсан. Юраги кенг, бизларга жуда ҳам меҳрибон, асти қўяберинг. Ёмон кўздан ўзи асрасин деб, ҳар куни исириқ солиб тураман. Эрта саҳарлаб туриб ҳаммаёқни супуриб-сидиради. Уйимизда газ бўлса ҳам, самовар қайнатиб ҳаммамизни нонуштага уйғотади. «Ҳой келин, ўзингизни қийнаб юрманг, чойни газда қайнатиб келаверинг» десам, «Ойижон, самоварники бошқача бўлади, уйимизда ҳам доим самовар қайнатиб чой ичардик», дейди...

Бир ой ўтмасдан Диловар келиннинг довруғи бутун маҳаллага тарқалди.

— Ширин сўз, меҳнатсевар, меҳмондўстлигини айтмайсизми! — дейишарди қўшнилар.

Меҳнат дам олиш кунлари тугаб, ишга ҳам тушиб кетди. Ишга кетиш олдидан ҳар куни:

— Ойижон, мен ишга кетяпман, яхши ўтиринглар, — деб ўпиб қўяди.

Келганда эса салом бериб, ҳол-аҳвол сўраб, уйига кириб кетади. Зум ўтмай кийим-бошини алмаштириб, уй ишларига киришиб кетади...

— Мана бугун келин бўлиб, биринчи марта иш ҳақини бизникига олиб келади, — деб хаёлидан ўтказди Ҳамро хола. — Қани, нима қиларкан?

Кеч бўлиб, келин келадиган вақтидан бирор соат ўтиб кетди. Ҳамро хола ўйланиб қолди: «Нима бўлди? Нега кечикаяпти?» Шу пайт Диловар гул-гул ёниб уйга кириб келди.

— Ассалому алайкум ойижон, дадажон. Кечирасизлар, озгина тутилиб қолдим. Магазинларда одамлар кўпки, худди байрамолди деб ўйлайсиз. Мана бу кўйлак дадамларга, сизга эса жемпер олдим. Маошимни қолгани мана, — 90 сўмни Ҳамро холанинг қўлига тутқазди. Ҳамро хола гапиролмай қолди. Кўзларидан миннатдорчилик ёшлари оқиб кетди. Келинини бағрига босиб, қучоқлаб олди. Чолига қараб: «Дадаси дуо қилинг» — деди.

— Раҳмат, қизим, — деди қайнатаси. — Доим соғ бўлиб, қўша қаринглар, сени тарбия қилган ота-онангга балли, доно келиним.

Ҳовлига эса қуёш кириб келгандек, ҳаммаёқ ёришиб кетди. Чунки ҳамманинг кўзида меҳр-оқибат нури порлаб турарди.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ.

Фан олами янгиликлари

Полимерлардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Чунончи, улар космонавтика, электрон-ҳисоблаш машиналарини яратиш, қишлоқ хўжалиги ва медицина, авиасозлик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўл келмоқда. Шунингдек, металл, шиша, ёғоч, чарм, каучук бетон ўрнини бемалол эгаллаяпти.

Иттифоқимизда кўплаб ишлаб чиқариладиган полимерлар — поливинилхориддан саноат ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган 3000 хилдан ортиқ буюм тайёрланади. Линолеум, сунъий чарм, пойабзал, кабель ва симлар учун изоляциялар, қувур ва, шланглар, пластмасса идишлар, грампластинкалар шулар жумласидандир.

Плёнка материалларини ишлаб чиқаришнинг ўзи Иттифоқимиз бўйича йилига 312 минг тоннани ташкил қилади. Буларга асосан кенг истеъмолда бўлган дастурхонлар, елим халтачалар, қоплама материаллар киради. Поливинилхлориддан олинадиган плёнкалар қишлоқ хўжалигида теплицаларни ёпиш учун қўлланиляпти. Уйларимиз полини безаб турадиган линолеум эса қимматли қурилиш материали—ёғочни тежашда асқотмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Полимерлар химияси ва физикаси институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан осон усул билан, арзон ҳамда заҳарсиз бўлган поливинилхлорид стабилизатори олинди. У ёғ-мой комбинати чиқиндиси (ёғмой кислоталари, госсипол бирикмалари, фосфатидлар ва сув аралашмалари)га ишқорнинг тўйинган эритмаси билан ишлов бериш натижасида ҳосил бўлди.

Уч минг хил буюм

Республикамиздаги ёғ-мой комбинатлари чиқиндиси йилига 80000 тоннадан ортиб кетади. Ундан, асосан кир совун тайёрлашда фойдаланиляпти. Шунга қарамай, чиқиндининг тўпланиб қоладиган миқдори катта. Институт олимлари бу масалани ҳал этиб, юқорида тилга олинган, аввалдан ишлатиб келинган заҳарли ва таннархи қиммат стабилизаторлар—қўрғошин силикати ва кадмий стеаратнинг ўрнини бемалол боса оладиган янги турини ишлаб чиқишди.

Фарғона сунъий чарм заводида бу поливинилхлорид стабилизаторини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муваффақиятли ўтди. Йилига 300 минг сўм иқтисодий самара олиняпти. Гулистон ҳамда Қарши ёғ-мой ажратиб олиш корхоналарида, уларнинг чиқиндилари асосида полимерлар ишлаб чиқариш саноати учун зарур бўлган 50 тоннадан ортиқ заҳарсиз стабилизаторлар бошқа жойларга топширилди. Янги стабилизатор Фарғона сунъий чарм заводида тадбиқ қилиниб, унинг асосида 300 минг квадрат метр сунъий чарм олишга муваффақ бўлинди. Чиқиндидан ҳосил қилинган тури эса Оҳангарон полимер қурилиши материаллари корхонасида линолеум, поливинилхлорид трубкалари ишлаб чиқариш учун тадбиқ этиляпти. Бу ишда корхона раҳбарлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Н. АБДУВАЛИЕВ,
кимё фанлари номзоди.

Анна Кушнерова — Т. Г. Шевченко номидаги Киев опера ва балет театрининг яккахон раққосаси, Украина ССР халқ артисти. Бугунги кунда у театрнинг спектакларида етакчи партияларни — «Оққуш кўли»да Одетта-Одилия, «Жизель»да Жизель, «Уйқудаги малика»да Аврора, «Кармен-сюита»да Кармен партияларини юқори этади. Балеринанинг репертуари мураккаб ва ранг-баранг. Ёркин истеъдод, ажойиб техника, юксак маҳорат, нозиклик унга бири-бирига ўхшамаган, эсда қолдирган образларни яратиш имконини бермоқда.

Ёш балерининг маҳорати Японияда бўлиб ўтган балет артистларининг халқаро конкурсида олтин медаль билан тақдирланди, у лауреат унвонига сазовор бўлди.

СУРАТДА: Анна Кушнерова репетиция вақтида.

В. Репик сурати (ТАСС).

Дўстлик қатралари

⊙ Етти иқлимда дўсти борнинг — етти иқлимда қўлларгаси ҳам бўлади.

⊙ Чин дўст орттириш — осонмас,
Аввалаб мустаҳкамлаш ундан ҳам қийин.

⊙ Бенуқсон дўст излаган — бедўст қолар.

⊙ Дўст танласанг қалбига боқ,
От танласанг — тишига.

⊙ Ўзаро ишонч — чин дўстлик дояси.

⊙ Чин дўстлик — тиниқ сув,
Ночини — лойқа.

⊙ Беғараз дўстлик мустаҳкам қалъа,
Ғаразлиси — омонат кулба.

⊙ Дўстнинг эскиси яхши,
Тўннинг — янгиси.

⊙ Чин дўст хатоингни айтиб турар,
То тузаттирмай қўймас.

⊙ Дўстлар даврасида — сув ҳам шарбат ўрнида,
Нодўстлар ичида — шарбат ҳам сувчамас.

⊙ Дўст-ла дийдорлашиш
Баҳор ёмғири-ла кезлашиш.

⊙ Беғараз — бедўст бўлмас,
Ғаразгўй — чин дўстсиз ўтар.

⊙ Яхши отнинг харидори кўп,
Яхши одамнинг дўсти ёри.

⊙ Сахий — бедўст бўлмас,
Хасисга дўст топилмас.

Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлари

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши кураш бошқармаси органлари ўтказган кооперативларни текшириш материаллари билан танишар экансиз, рус сатирик ёзувчилари И. Ильф ва Е. Петров яратган Остап Бендер образи уларнинг олдида ҳеч гап эмас.

Кооператор ниқобидаги қаллоблар

Масалан, ўша машҳур ёзувчиларнинг «Ўн икки стул» ва «Олтин бузоқча» асарлари қаҳрамонининг фамилиядоши Р. Бендер ва унинг ўринбосари Ф. Бендер «Луч» кооперативини тузган эдилар, улар жуда катта миқдорда ўғирлик қилганликлари учун жавобгарликка тортилдилар. Бу кооператив чарм ва мўйнадан якка тартибда устки кийим тикиш билан шуғулланиши лозим эди. Амалда эса у қўшни Қозоғистон ССРдаги район маиший хизмат комбинатларининг ҳисобга олинмаган «ортиқча» камчил буюмларини чайқов баҳосида сотиш билан шуғулланиб келди. Бу ерда республикаларо хўжалик ҳисобини ана шу тарзда тушунишди.

Тошкент область Чиноз районидаги «Бинокор» қурувчилар кооперативининг бригадири И. Цгоев ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. У иш ҳақи тўлаш тўғрисида сохта ведомость тузиб ва иш ҳажмини ошириб кўрсатиб 45 минг сўмни ўз чўнтагига урди.

Баъзи кооператорлар ҳар қандай ишдан ўзлари учун фойда чиқаришга уриниб, турли найрангларни ишлатмоқдалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилиш авжига чиқмоқда. БХСС бошқармаси ходимлари илгари катта миқдорда ўғирлик қилганлари учун судланган, ҳозир эса Тошкент шаҳридаги «Ветеран» кооперативида маҳсулот тайёрловчи ва сотувчи бўлиб ишлаётган Э. А. Арутюновни ушладилар. У Мирзачўл районидаги совхозлардан бирининг меҳнатчиларидан 11 тонна қовунни ҳар килограммини 20 тийиндан сотиб олиб, 35 тийиндан харид қилинди деб расмийлаштирди ва шу тарика 1750 сўмни ўзлаштирди.

«Осиё» кооперативининг аъзоси Б. Жумаев ҳам чайқовчилик қилаётганда қўлга тушди. У Тошкентнинг Октябрь бозорида олманинг ҳар килограммини бир сўм ўттиз тийиндан сотиб олиб, Тошкентнинг ўзида, Максим Горький майдонида етмиш тийиндан устама нарх қўйиб, килограммини икки сўмдан сотаётган эди. У олмани бозордан майдонга олиб келиш учун транспорт хизматини шундай баҳолаган бўлса керак.

Республиканинг маълум процент ҳисобига қарз берадиган банк муассасалари кооператорлар фаолиятини тартибга солиб туриши мумкин эди. Афсуски, бу қудратли иқтисодий воситадан ҳозирча камдан-кам фойдаланилмоқда. Республика банклари, муассасалари кооператорларга ҳозиргача 83 миллион сўм қарз берган, унинг кўп қисми кооператорларга нақд берилган, шундан салкам 10 миллиони қайтарилди, холос. Хўш, бунинг учун бирор киши жавобгарликка тортилдими? Асло. Банк ходимларининг бепарволигидан кооператор ниқоби билан иш тутаётган нопок кишилар фойдаланиб қолмоқдалар.

Агросаноат банки Самарқанд областидаги кооператорларнинг ўзига 26 миллион сўм қарз берди, шундан 25,7 миллион сўми нақд берилди. Балки нақд пул кўпроқ фойда келтирар? Қаёқда дейсиз! Бир мисол келтирамиз: 1988 йилда Каттақўрғон районидаги кооперативларга 162 минг сўм қарз берилди. Шу даврда ичида атиги 189 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Бошқача қилиб айтганда, қарз олган кооперативлар ҳар бир сўм ҳисобига бор-йўғи 16 тийинлик маҳсулот ишлаб чиқаришган ва хизмат кўрсатишган. Бундай кооператив зил кетган иқтисодиётни ўнглашга қандай ёрдам бериши мумкин?

— Меҳнатнинг кооператив шакли ривожланиши билан, таассуфки, шу негиздаги ғаразли қонунбузарлик сони ҳам кўпайди, — дейди Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги БХСС бошқармасининг ходими С. Р. Чанишев. — Ҳозирги текшириш натижасида ғаразли жиноятлари учун илгари судланган 206 ҳуқуқбузар аниқланди. Кооператорлар кўпинча корхонадан ўғирланган хом ашё ёки қатъий равишда фондга ажратиладиган материаллардан фойдаланмоқдалар. Турли корчалонлар, ўғрилар ва илгари жиноят қилган бошқа шахслар кооперативларга суқилиб кириб олиб, кооператор ниқоби остида ғайриқонуний фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Улар меҳнаткашларда бутун кооператив ҳаракатига нисбатан салбий фикр уйғотмоқдалар.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

Боланинг тили ширин

ДЎСТ

Баҳодир Рустамни чақириб, деди:

— Рустам, чиқмайсанми, болалар билан бекинмачоқ ўйнаймиз.

— Ойим билан дадамлар меҳмонга кетишган, менга ҳеч қаерга чиқмай уйни пойлаб ўтир дейишган, чиқолмайман.

— Ундай бўлса жуда яхши, мен ҳозир болаларни айтиб келаман, сизларникида «меҳмон-меҳмон» ўйнаймиз.

ТУНДА

— Ойи, устим очилиб кетибди, ёпиб қўйинг, — деди Баҳодир.

— Шундоқ ёнгинангдаги кўрпачани устингга тортиб олақол ўғлим, шунгаям мени овора қилиб ўтирасанми, ўзинг катта боласан-ку, — деди онаси ўрнидан туришга эриниб.

— Ахир мен ухлаб ётибман-ку, ойи!

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳридаги янгитдан очилаётган

«ИНТУРИСТ» МЕҲМОНХОНАСИГА

официант касби бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

МУДДАТИ 1989 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ

Официантлар тайёрлаш Тошкент шаҳридаги 24-ўрта ҳунар-техника базасида амалга оширилади.

Ўқишга Совет Армияси сафларида хизмат муддатини ўтаган 30 ёшгача бўлган эркаклар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой.

24-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (086/У форма), 4 дона фотосурат (3х4).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Совет кўчаси, 2-уй, СССР Госкоминтурист бўлимининг кадрлар бўлими, 17, 18-хона (метронинг «Октябрь инқилоби» станцияси). Телефонлар — 33-80-68, 33-20-22.

БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

барча факультетларга бўладиган кириш имтиҳонларига тайёрловчи

ПУЛЛИК 9 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқув йили охирида курсларнинг тингловчилари математика бўйича олимпиадада иштирок этишлари мумкин.

Яхши ва аъло баҳоланган ёзма иш ТошПИга киришда математикадан кириш имтиҳони деб баҳоланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 17-уй, 2-корпус, 3-қават, 65-хона.

КОРХОНАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛ БАНКИНИНГ

«ЛИЗИНГ» ФИРМАСИ

Япония фирмалари ишлаб чиқарган техника ва ускуналарни

ИЖАРАГА БЕРАДИ

Исталган юк кўтариш қувватига эга бўлган КАТО автокранлари;

исталган йўл-қурилиш техникаси;

микроавтобуслар ва енгил автомобиллар;

нусха кўчирувчи ва кўпайтирувчи техника;

факсимил алоқа аппаратлари (текстлар ва чизмаларни масофага узатиш).

Ижара учун валюта билан, шунингдек Совет пуллари билан ҳақ тўлаш мумкин. Валюта билан ҳақ тўлаш ўрнини хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқитларини топшириш йўли билан ҳам қоплаш мумкин.

ИЖАРАГА БЕРИЛАДИГАН УСКУНАЛАРГА БУТУН ИЖАРА ДАВРИ МОБАЙНИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАФОЛАТИ БЕРИЛАДИ.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви, 7-уй. Телефонлар —, 45-03-05, 45-45-08.

ДИҚҚАТ!

Ов милтиғи бўлган ва 1989 йил учун аъзолик бадалини 1 сентябргача тўламаган гражданлар

ОВ МИЛТИҒИНИ САҚЛАШ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛАДИЛАР

Улар қайтадан овчилик жамиятига аъзо бўлиб киришлари ёки қуролларини комиссион савдо магазинига топширишлари шарт. Акс ҳолда қурол маъмурий йўл билан тортиб олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ОВЧИЛИК ЖАМИЯТИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Узградострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА:

электр-газ пайвандчилар, электр созловчилар, слесарь-созловчилар.

Иш хусусияти командировкаларга чиқиш билан боғланган.

Жамоат овқатланиш бош бошқармасининг

2-ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

слесарь-пайвандчилар, бўёқчилар, слесарь-монтажчилар, сувоқчилар, кошинкорлар.

ҲАМЗА РАЙОН ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИГА:

асфальт ётқизувчилар, йўл ишчилари.

«УЗВТОРЦВЕТМЕТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

металл эритувчилар, сараловчилар, кўприк кранларининг кранчилари, электриклар, слесарь-ремонтчилар, ҳайдовчилар, ошпазлар, экспедитор, автокран ҳайдовчилари.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ «ТАШГОРШВЕЙБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

аёллар ва эркаклар устки кийимларининг бичиқчилари, аёлларнинг енгил кўйлакларини тикувчилар ва уларнинг шогирдлари.

«УЗВТОРЧЕРМЕТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

бош механик-энергетик ўринбосари, таъминот бўйича иқтисодчи, марказий омбор мудири, юклар етказиб беришни планлаштириш бўйича иқтисодчи, машинистка, ҳайдовчилар, кранчилар.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ва район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимлари.

ЛЕНИН РАЙОН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАДАНИЯТ БЎЛИМИ, ФУРҚАТ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИ

23 СЕНТЯБРЬ СОАТ 17.00 ДА

Тошкентнинг барча аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонларини В. И. Ленин номли районнинг 60 йиллигига бағишланган

«ПОРТРЕТ ВА ВАҚТ»

ОММАВИЙ БАЙРАМ

ТАНТАНАЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БАЙРАМ ПРОГРАММАСИДА:

Ленин райони корхоналарининг уруш ва меҳнат ветеранларини шарафлаш;

«Районимиз, сенинг туғилган кунинг билан!» театрлаштирилган томоша;

Ленин райони энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективларининг иштирокида катта байрам концерт программаси;

байрам пайтида қандолатчилик маҳсулотлари савдо-кўргазмаси ташкил этилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР, СИЗЛАРНИ ЮБИЛЕЙ БАЙРАМИДА КУТАМИЗ!

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ-ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1989-1990 ўқув йили учун

инглиз, немис ҳамда француз тилларини ўрганиш бўйича

ПУЛЛИ ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пуллик тайёрлов курсларига ўрта ва олий маълумотли гражданлар ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда техникум ва билим юртларининг юқори курслари студентлари қабул қилинади.

Институт чет тилларни ўргатувчи юқори малакали мутахассисларга ҳамда етарли моддий базага эга бўлганлигидан мазкур фанларнинг сифатли ўқитилишига кафолат беради.

Машғулотлар олий ўқув юртларига ва аспирантурага кириш программаси бўйича олиб борилади.

Дарс хоналари таълимнинг техник воситалари (ТСО) билан жиҳозланган.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар 15 октябрдан шунингдек группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАФТАДА ИККИ МАРОТАБА: кундузи соат 15.30 дан 19.00 гача; кеч соат 18.45 дан 22.00 гача институт биносида ўтказилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 7 ОЙ.

Таълим ҳақи — 90 сўм.

ҲУЖЖАТЛАР 15 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, 63-хона.

ҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати I,II Бутуниттифоқ халқ театрлари фестивалининг лауреати

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ШАҲАР ХАЛҚ ТЕАТРИ

ўз ижодий фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида

ДРАМА БЎЙИЧА ҲАВАСКОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хоҳловчи қиз ва йигитлар театрга ёзилишлари мумкин.

ХАЛҚ ТЕАТРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 10-уй (1, 18-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ИЛМИЙ ВА ЎҚУВ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«УЗСНАБСИСТЕМА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

энг қулай пайтларда тўлиқ системали хизмат йиғмаси билан бирга СМ-1910 ва ЭҲМ ЕС-1046 шахсий компьютерларда амалга ошириладиган машина вақтини фойдаланишга бериб туради;

фототелеграф (телефакс) орқали ва республикамиз пойтахти ва СССРнинг область марказлари ўртасида машиналараро алмашув режимидаа ахборотларни оператив узатиб турилишини таъминлайди;

автоматлаштирилган ишчи ўринларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шахсий ЭҲМ да ишлашга ўқитиш, машинада бажариладиган маълумотларни тайёрлаш, техника-иқтисодий ва бошқа ахборотларнинг классификаторларини жорий этиш, моддий-техника таъминоти вазифалари бўйича ўз хизматини тавсия этади.

Хизмат ҳақи шартлашилганига биноан тўланади.

Адрес: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 41-37-10, 41-35-21, 41-34-82.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ БЎЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон чет эл банки ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ташаббуси билан

1989 ЙИЛДАН БОШЛАБ

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИГА УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ ПЛАНЛАШТИРИЛГАН

Уй-жойлар чет эл намуналарига биноан шахсий лойиҳалар бўйича чет эл қурилиш фирмаларини жалб этган ҳолда Тошкент шаҳрининг анча қулай районларида қурилади.

Ўз счётларида чет эл валюталари бўлган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, қўлларида чет эл валютаси бўлган Тошкент шаҳри гражданлари агар улар «Инвалюта» уй-жой қурилиш кооперативига киришни истасалар қуйидаги адресда жойлашган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, шаҳар кооператив қурилиш бошқармаси уй-жой қурилиш кооперативи бўлимига (ЖСК ГУКС) мурожаат қилишни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2 «а» уй.

Справкалар учун телефон — 41-86-69.

Кино

22 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР», «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА» (17, 20.00).

Дружба — «КОТТОН» КЛУБИ» (17, 20.00; 12, 15, 18, 20.40).

Восток — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (16.30, 19.30).

Лисунов номли — «КИНГ-КОНГ» (17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР», «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА» (17.30, 20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги номли — «ТОНГ» (17.30, 20.30); «ЗЕРО ШАҲРИ» (тоқ соатларда).

Санъат саройи — «ДАСТЛАБКИ ЮЗ ЙИЛ ҚИЙИН КЕЧДИ» (16, 18.30, 20.40); «ЎЙНА, ЎЙНА» (17, 19.30).

Чайка — «ҚОРА БОТИНКА КИЙГАН ОҚ СОЧ КИШИ», «ҚОЧИШ» (17.30, 20.40).

Қозоғистон — «КОТТОН» КЛУБИ» (16, 17, 18, 20.00).

23 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР»; «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА» (11, 14, 17, 20.00).

Дружба — «КОТТОН» КЛУБИ» (11, 14, 17, 20,00; 12, 15, 18, 20.40).

Лисунов номли — «РОК УСУЛИДАГИ ФОЖИА» (11, 14, 17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ИНТЕРКИЗ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Нукус — «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР», «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЎЙНА, ЎЙНА» (11, 14, 17, 20.00).

Санъат саройи — «ДАСТЛАБКИ ЮЗ ЙИЛ ҚИЙИН КЕЧДИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ЎЙНА, ЎЙНА» (12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ҚОРА БОТИНКА КИЙГАН ОҚ СОЧ КИШИ»; «ҚОЧИШ» (11, 14.15, 17.30, 20.45).

Қозоғистон — «КОТТОН» КЛУБИ» (11, 12, 15, 16, 17, 18, 20.00).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

25 сентябрь соат 18.00 да

СССР 52-биринчилиги учун

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — **«СПАРТАК»** (Оржоникидзе)

1-лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Танаффус вақтида — спортбуюм лотереяси ўйналадi.

Лотерея билетларининг серия номерлари 038000 дан 040000 гача.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ЮБИЛЕЙ» СОВХОЗИ КОЛЛЕКТИВИ СИЗЛАРНИ ПИЕЗ ИИГИМИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳосилга қараб бир гектар ердаги пиёзни йиғиб олиш учун қарийб 700 сўм ҳақ тўланади.

Ҳосил теримида иштирок этишни истаган кишиларни ҳар куни соат 10 дан 11.00 гача справкалар бюроси ёнида жойлашган «Тошкент» автовокзали биносида кутамиз.

Октябрь район озиқ-овқат савдоси идораси коллективи ходимлари савдо инспектори А. Ж. Пўлатовга отаси

Жалол Пўлатович ПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь район озиқ-овқат савдоси идораси коллективи 13-магазин мудири С. З. Бурхоновга онаси

Зулфия ТОШМУҲАМЕДОВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ депутатлари Фрунзе район Советининг ижроия комитети коллективи «Шелковичная» маҳалла комитети раиси

Жалол Пўлатович ПУЛАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Узмясомолторг» республика идораси коллективи «Узмясомолторг»нинг Тошкент идораси бошлиғининг ўринбосари Т. А. Каримовга онаси

Тўхта КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя», рекламалар идораси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. — 14725. В. 2149. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10